

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71/658**

КУЧКАРОВ КОМИЛЖОН РУСТАМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНК АУДИТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мутахассислик: 5А230702-«Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. У.Ортиқов

ТОШКЕНТ-2016

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар **и.ф.н., доц. У.Ортиқов**

Кафедра мудири **и.ф.н. З.Умаров**

Магистратура бўлими бошлиғи **и.ф.н., доц. У.Ортиқов**

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНК АУДИТИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва уни мувофиқлаштиришнинг назарий асослари.....	7
1.2. Банк аудитини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	18
I боб бўйича хулоса.....	25
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	26
2.1. Тижорат банкларида ички аудит текширишларини ташкил этиш тартиби.....	26
2.2. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини ташқи аудитдан ўтказишнинг таҳлили.....	44
II боб бўйича хулоса.....	53
III-БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	54
3.1. Банк аудитини сифатини ошириш билан боғлиқ муаммолар...	54
3.2. Тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини такомиллаштириш йўллари.....	60
III боб бўйича хулоса.....	70
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти қолаверса, халқаро ижтимоий ва иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлардаги каби банкларда ҳам бажарилаётган операциялар бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб борилади. Ушбу маълумотлар банк фаолияти устидан назорат қилиш, унинг ривожланиш истиқболларини белгилаш ва фаолият натижаларига баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади — мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топтиришдан иборатдир. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги босқичда тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли тобора ошиб бормоқда.

Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2016-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 9 фоизда сақлаб қолиши, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Президентимиз ўз маърузаларида “Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014-йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5-йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3-марта, банк

ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2-марта кўпдир¹.” дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда банк аудити бўйича тижорат банклари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ўзига хос тизими ташкил қилинган. Шунингдек, тижорат банклари Марказий банкка ҳар ой фаолиятининг кўп соҳаларини ўз ичига олган маълумотлар, баланс ҳисоботи, иқтисодий нормативлар ҳисоб-китоби, фойда ва зарарлар ҳисоботларини тақдим этадилар. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари олдига бозор конъюктураси ўзгариши талабларига мослашган ҳолда молиявий-иқтисодий мураккабликларни енгиш, банклараро рақобат курашида рақобатбардош бўлиш ҳамда улар фаолиятини янада ривожлантириш вазифаларини қўймоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда тижорат банклари молиявий натижаларини таҳлил қилишни, банк аудитини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, умуман банк молиясини моҳирона бошқаришни талаб этади. Шу сабабли магистрант томонидан танланган мавзу жуда долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари.

Тадқиқотнинг предмети Республикамизда банк аудитини ривожланиши ва уни такомиллаштириш.

Тадқиқот ишининг мақсади сифатида республикамизда банк аудитини ривожланиши, у билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб **тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар** қўйилган ва ҳал қилинган.

- Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва ривожланиши;

- банк аудитини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари;

¹ И.А.Каримов 2015 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2016 йил 16 январ.

- тижорат банкларини аудит қилиш тартиби;
- ташқи ва ички аудитнинг ўзаро алоқадорлиги;
- тижорат банкларида ташқи аудит ўтказиш тартиби;
- тижорат банкларида ички аудит ўтказишнинг амалий ҳолати таҳлили;
- банк аудитини такомиллаштиришда ташқи аудитни ривожлантириш;
- республикада банк аудитинг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги янада аниқроқ тарзда қуйидагиларда намоён бўлади:

- Республикада банк аудитини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ечимлари ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказишда учрайдиган муаммолар ва уларни ечимлари аниқланди;

- тижорат банкларини ички аудит қилишда учрайдиган муаммолар ва уларни ечимлари аниқланди;

- тижорат банкларини ички ва ташқи аудит бўйича баҳолаш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Диссертацион тадқиқотнинг асосий ғоялари тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш юзасидан, Ҳукумат Дастурларини ишлаб чиқишда, Марказий банк йўриқнома ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши мумкин.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар банк аудитини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Хорижлик иқтисодчи олимлардан П.Роуз, Ж.Синки, Е.Ф.Жуков, Г.Г.Коробова,

О.И.Лаврушинлар² тижорат банклари тўлов қобилияти борасидаги ўз илмий карашларини дарслик ва ўқув қўлланмаларида баён этганлар.

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобакулов, Б.Т.Бердияров, Ф.У.Додиев, О.К.Иминов, С.Х.Норқобилов, А.А.Омонов, Ф.И. Мирзаев, З.А.Холмахмадов, Т.М.Қоралиевлар³ тижорат банклари тўлов қобилияти борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, турли матбуот органларида эълон қилинган материаллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертацияда воқеа ва ҳодисаларни илмий билишнинг диалектик усулларидан, хусусан иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар Республикамиз банк аудитини ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора–тадбирлар ишлаб чиқишда, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида тадбиқ қилишдир.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш қисми, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

² Роуз П.С. Банковский менеджмент. - М.:Дело-ЛТД.1995.-743 с. ; Дж. Синки, мл. Управление финансами в коммерческих банках. пер. с англ. 4-го переработанного изд. М.: 1994, Catallaxy. – 820 с.; Банковское дело: учебник для студентов вузов, обучающихся по экон. спец. / Под ред. Е.Ф.Жукова. –М.: ЮНИТИ-ДАНА: Единство, 2006. – 575 с.;Банковское дело: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. Г.Г.Коробова. –М.: Экономистъ, 2004. -751 с.; Банковское дело: Учебник. -7-е изд., перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: Кнорус, 2008. – 768 с.

³Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2000. -46 б.; Бердияров Б.Т.Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2002. -21 б.; Омонов А.А. Банк капиталини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2004. -21 б.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНК АУДИТИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва уни мувофиқлаштиришнинг назарий асослари

Инсоният тарихига бир назар солсак, жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятда бўлаётган ходиса ва воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари, кутилиши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганувчи бир қатор табиий, иқтисодий ва гуманитар фанлар шакллана бошлади. Бу фанлар билан бирга иқтисодиёт фани ҳам жамиятда юз бераётган иқтисодий ходисаларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда жамиятдаги моддий неъматлар яратишдан тортиб, уни истеъмоли билан боғлиқ муаммоларни ўргана бошлади.

Бутун дунёда жамиятнинг тузилиши қандай бўлишидан қатъий назар унинг аъзолари инсонлар ўзларининг эҳтиёжларини қондириш ва ҳаётлари учун зарур бўлган ноз-неъматларни яратиш устида изланишлар олиб борадилар. Бу изланишлар натижасида жамият ривожланиши шакллана бошлайди. Шу билан бирга жамият аъзолари яъни кишилар, гуруҳлар, ташкилотлар ва мамлакатлар ўртасида ўзларида мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланиб юқори даромад олишга эришиш ва олинган даромаддан самарали фойдаланиш орқали барқарор турмуш тарзини яратишга бўлган интилиш кишилар ўртасида иқтисодий рақобат курашини келтириб чиқаради.

Бу рақобат кураши жамият ва иқтисодиётнинг ривожланишига кўринмас куч сифатида доимо туртки беради ва иқтисодиёт ва жамият шу рақобат кураши орқали ривожланади.

Аудит фаниниг шаклланишига бир назар солсак, аудитнинг тарихий ватани Англия бўлиб, 18 асрнинг ўрталаридан бошлаб Англияда аудиторлик ташкилотлари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ушбу

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга мувофиқ акциядорлик ташкилотларда корхона ва ташкилотларнинг бошқарувчилари зиммасига бир йилда камида бир марта бухгалтерия ҳисоб варақларини текшириш ва акциядорлар олдида ҳисобот бериш учун махсус одам таклиф қилиш вазифаси юклатилган эди.

Аудит тўғрисидаги қонун Англияда 1862 йилда чиққан. Худди шундай қонун 1867 йилда Францияда ҳам қабул қилинган. Америка Қўшма Штатларида аудитнинг иктисодиёт учун зарур эканлиги 1937 йилга келиб тан олинди ва тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Аудиторлик фаолияти бизнинг мамлакатимизда янги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда аудит 90-йилларнинг бошида – мустақилликка эришилгандан сўнг ва бозор иқтисодига ўтиши билан ривожлана бошлади. Нодавлат секторида корхоналар вужудга келиши билан аудиторлик фаолияти хизматига талаб юзага келди, чунки бозор структуралари ўзларининг фаолиятларига мустақил баҳо берилишига эҳтиёж сездилар.

Ўзбекистонда аудитни ривожланишига кадрларни тайёрлаш ва нормалар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси катта ҳисса қўшди. Аудитни ривожланишида аудиторларнинг профессионал тайёргарликлари муҳим рол ўйнайди.

Жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш, қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, натижаларни ойдинлаштириш, олдиндан амалга оширмақчи бўлган имкониятларни чамалаш, келгуси ишларни режалаштириш, фаолиятни сарҳисоб қилиш ва фаолиятга баҳо бериш тизимлари ўз-ўзидан жамият учун зарурат сифатида аста секин шакллана бошлади. Шундай фаолият турларидан бири бу аудиторлик фаолиятидир.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида

аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит текширишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Аудиторлик фаолиятини ўрганувчи ва унинг асосини ташкил қилувчи аудит фани корхоналарни таъсис этишдан тортиб уни бошқариш жараёни, корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш ва корхона фаолиятини таҳлил қилишни услубий томонларини ўргатади.

Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилаётган ресурслар захирасини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхона рақобатбардошлиги даражасини ошириш, хужалик фаолиятига ҳамда корхонанинг иқтисодий салоҳиятига тўғри баҳо бериш кабилар услубий томонлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари аудит, корхоналарда бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йулларини аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини ҳам ўргатади.

Жамиятдаги муносабатларда аудитнинг зарурияти ҳисобот бериш концепцияси талаблари бажарилиши юзасидан келиб чиқади. Бу бир томон иккинчи бир томонга ҳисобот бериш ва мажбурият бажарилишини назорат қилишни эътироф этади ва бу назорат маълум бир маълумот, тушунтириш ёки ҳисобот олишни назарда тутаяди. Ҳисобот бериш қуйи бўғин бошқарувчилари юқори бўғин бошқарувчиларнинг акциядорларга ҳисобот бериши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун аудит назоратнинг механизми сифатида юзага келади ва ҳисобот беришнинг бажарилишига ва уларнинг ойдинлаштирилишига ёрдам беради.

Аудит орқали воситачилик шартномалари амалга ошади, чунки бунда воситачининг фаолияти назорат қилинади. Тўғри маълумотлар олишда, берилаётган ахборотдаги ноаниқликни аниқлашда аудит яна ҳам зарурдир. Аудит қабул қилинаётган қарорлар сифатини ва корхона активларини тақсимланишини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Яна аудитга суғурта кафолати бажарилишини таъминлайдиган чора сифатида қаралади.

Бозор муносабатларининг ривожланишини ва иқтисодий эркинлаштириш натижасида аудиторлик фаолияти тез суръатлар билан ривожланиб тафтиш тушунчасини сиқиб чиқармоқда.

Аудит ва тафтиш тушунчалари кенг маънода хўжалик юритувчи субъектлар билан молия-хўжалик фаолияти устидан ўрнатилган иқтисодий назоратни ташкил этиш усуллари ҳисобланади. Аудит ўтказишда ҳужжатли ва ҳақиқий тафтишнинг айрим амаллари, айрим ҳисоб объектларини тафтиш қилиш усулларидан фойдаланилади.

Аудит хўжалик субъектининг оммавий молиявий ҳисоботини тўғрилигини, тўлиқлигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги қонун ва талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида ўтказилган мустақил экспертиза ва таҳлил билдиради. Бундан ташқари аудит яна бошқа назорат ишларини ўз ичига олади.

Аудитнинг асосий фаолияти субъектнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ фактларни йиғиш ва баҳолашдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб аудитнинг асосий фаолият турларини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай аудиторлик фаолиятини юритишнинг мажбурий шarti бўлиб унинг чегараси ҳисобланади. Бундай чегаралар муайян иқтисодий субъектнинг ўлчамлари ёки тармоқ аудитида маълумот тизимини текшириш билан аниқланади.

Иккинчидан, аудитор аудит объекти ва уни ўтказилишидан манфаатдор бўлганлар ўртасидаги «ахборот бўшлигини» тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу асосан ҳисоботларда айрим маълумотларни етишмаслиги ёки ҳисоботдаги маълумотлар ишончлилиги билан баҳолаш қарор қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолда.

Учинчидан, аудит ўтказётган шахсларнинг малакаси асосий шартлардан ҳисобланади. Аудитор керакли маълумотларни йиғиш ва ўлчовларни тушуниш орқали маълумотларни баҳолашни яхши билиши керак. Бундан ташқари, аудитордан муомала меъёрларига риоя қилиш талаб қилинади, яъни у ўзини мустақиллигини сақлаш ва ташқи ҳамда ички

таъсирларга қарши тура олиши керак.

Бозор субъектларининг талабига жавоб берадиган назорат турларидан бири – бу аудит тизимидир.

Аудитнинг мақсади - тақдим қилинаётган ҳисоботлар тўғрилиги, хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини ақс эттириши, унинг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби талабларига мос келишини аниқлашдан иборатдир.

Аудиторнинг корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги хулосасининг бўлиши, мазкур молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун унга бўлган ишончни оширади. Аудиторлик текширувларини махсус аудиторлик фирмалари ёки алоҳида сертификатга эга аудиторлар ўтказиши мумкин.

Аудиторлик назорати амалиётда иккига ажратилади: ички ва ташқи аудит. Ички аудит аудиторлик назоратини ўтказиш усулига кўра ташқи аудит билан ўхшаш бўлиб, у мустақил аудиторлар ёки аудиторлик фирмалари томонидан амалга ошириладиган ташқи аудит учун ахборотларни олиш манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ташқи ва ички аудит ўртасидаги сезиларли фарқ уларнинг мақоми, асосий вазифалари ва аудиторлик текширувини бажариш вақтига қараб ажратилади. Ички аудит асосан мулкдорлар манфаатларига хизмат қилиб, унинг асосий вазифаси корxonанинг иқтисодий аҳволи тўғрисида муайян корxonанинг мулкдорлари учун ахборот тайёрлашдан иборат.

Ташқи аудит эса нафақат мулкдорлар, балки давлат ва кредиторлар манфаатлари учун ҳам хизмат қилади ва унинг бош мақсади, ушбу корxonанинг ташқи фойдаланувчилари: акциядорлар, инвесторлар, банклар, солиқ ва бошқа давлат органлари, шериклар учун корxonанинг молиявий ҳолатига холис хулоса тайёрлашдан иборатдир.

Мамлакатлар	Аудитнинг асосий мақсади	Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар	Аудитор кадрлар таёрлаш тизими
Англия	Бухгалтерия ҳисоби-нинг ҳаққонийлигини назорат қилиш, ҳисоб тизими ва корхона молиявий ҳисоботи тўғрисида фикр билдириш	Дипломланган бухгалтер ва аудиторлар кўмитаси	Дипломланган бухгалтер ва аудиторлар кўмитаси
Франция	Иқтисоднинг нодавлат секторида молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигининг ташқи молиявий назорат	1. Бухгалтер- экспедитор органи 2. Тафтишчилар миллий палатаси	1. Бухгалтер- экспедитор органи 2. Тафтишчилар миллий палатаси
АҚШ	Холис аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботни текшириш ва эксперт-консультатив фаолият	1. Аудиторлар уюшмаси федерацияси 2. Ички тафтишчилар институти 3. Бухгалтерлар институти	1. Дипломланган аудиторлар институти 2. Ички аудиторлар институти
Швеция	Компаниялар, корхоналар, банклар, ташкилотлар молиявий ҳисоботини ва хўжалик муаммоларини бухгалтерия счётларида акс эттирилишини текшириш	1. Аудиторлик фаолияти комиссияси 2. Аудиторларнинг Швеция жамияти (SRS)	1. Аудиторлик фаолияти бўйича комиссия 2. Аудиторлар малакасини ошириш институти (UPEB) 3. Аудиторларнинг Швед жамоаси
Россия	Бухгалтерия ҳисоботларини РФ қонунчилигига мослигини мустақил бухгалтер экспертизаси орқали аниқлаш	РФ президенти қошидаги аудиторлик фаолияти бўйича комиссия (ЦАЛАК) ва РФ МВ Россия аудиторлар палатаси	МВ ва МБ ўқув-методик марказ
Ўзбекистон	Молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ҳамда қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ва у билан боғлиқ молиявий ахборотни текшириш	1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2. Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 3. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси	1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2. Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 3. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси

1.1-расм. Турли мамлакатларда аудитнинг ташкилий тавсифлари.⁴

Банкларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Ташқи ва ички аудит ўртасидаги сезиларли фарқ уларнинг мақоми, асосий вазифалари ва аудиторлик текширувини бажариш вақтига қараб ажратилади. Ички ва ташқи аудитнинг ўртасидаги фарқи тўғрисида и.ф.д., профессор З.Маматов қуйидаги тарзда фарқлаб берган.

⁴ Тулаходжаева М.М, Илҳомов Ш.И., “Аудит”. Тошкент – “NORMA”-2009й. 23-б.

Ички аудит	Ташқи аудит
<p>Хўжалик тизимида ишлайдиган ҳисоб, назорат ва таҳлил мутахассислари томонидан бажарилади.</p> <p>Асосий мақсади – ушбу хужалик тизимида маъмурият ахборот эҳтиёжини қондириш.</p> <p>Таъсирчанлик ва самардорлик ташқи аудит хажмига, мазмунига ва характериға беввосита таъсир қилади.</p> <p>Хўжалик операциялари, ресурслардан фойдаланиш, ҳисоб-ҳисобот ва ички назоратнинг аҳволи, белгиланган ҳисоб сиёсати ва умумий услубий қоидаларига мос келиши текширилади.</p> <p>Ушбу хўжалик тизимида ишнинг функционал бошқариш муносабатларига қаратилган.</p>	<p>Ёлланган ходим бўлмаган, лекин асосан шартнома асосида далолат бериш вазифасини бажарадиган профессионаллар томонидан амалга оширилади.</p> <p>Асосий вазифаси – “3 шахслар” – акциядорлар ва инвесторлар, банклар, солиқ органлари ва шу қабилар учун ўз фикрини билдириш.</p> <p>Ҳажми, мазмуни, характери шунингдек, аудиторлик хатари ички аудитнинг сифати ва таъсириға қараб белгиланади.</p> <p>Ташқи аудит қўламини ва миқдорини ҳисоб ва ахборот маълумотларига дастлабки ишонч даражасини аниқлаш учун ҳисоб ва ҳисобот ҳолати, ресурслардан фойдаланиш самардорлиги ва ички назорат даражаси текширилади.</p> <p>Аудит ресурсларини турли гуруҳларга ажратиш ва бир тусдаги операцияни қўллаш ҳисобот ва даромад манбаларининг энг муҳим жойларига қаратилган</p>

1.2-расм. Ички ва ташқи (мустақил) аудит ўртасидаги фарқ.⁵

Тижорат банклари фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш банк ва мустақил аудиторлик фирмалари ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади ва ушбу шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади, иш давомида аудитор ўз мажбуриятларини унутмаслиги ва банк маъмурияти эса аудитор олдида ҳамма маълумотларни очиқ-ойдий тушунтириб бериши ва барча ҳужжатларни етказиб бериш мажбуриятини олиши лозим.

Ички аудит банкларда ташкил қилинган ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш, ички меъёрий ҳужжатларга мос

⁵ Маматов З. “Бозор, пул ва кредит” журнал. 2005 йил 2-сон. 33-б.

келишини ва келгуси истиқболларни белгилаш имкониятларини кўрсатишдир.

Маълумки, тижорат банклари жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, риск билан иш юритади. Шу сабабли, банklar учун аудит, хусусан, ички аудит жуда муҳим ҳисобланади. Ички аудит ходимларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариши қандай ташкил этилганлиги ва сифатини ички назорат қилиш тизимининг самарадорлигини текшириш ҳамда баҳо беришни ўз ичига олиши лозим. Шу муносабат билан ички аудит хизмати ходимлари қуйидагиларни текшириши ва баҳолаши лозим: молиявий маълумотларнинг ҳаққоний ҳамда ўз вақтида акс эттирилиши; банк операцияларини амалга ошириш ва ҳисоботлар тузишда меъерий ҳужжатларга қатъий риоя этилиши; активлар ҳолати ва уларни сақлаш усуллари; маблағлардан фойдаланиш тежамкорлиги ва самарадорлиги; банк бошқаруви томонидан қабул қилинган дастурлар бажарилишининг тўлиқлиги ва адекватлиги, уларнинг қўйилган мақсад ва вазифаларга мос келиши.

Ички аудит хизмати тижорат банки таркибидаги бўлинма бўлиб, у асосан шу банк бўлинмалари (филиаллари) ва бош банк фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланади. Ички аудитнинг асосий вазифаларидан бири, бу фақат текшириш ўтказиб, камчиликлар топиш эмас, балки шу камчиликларни бартараф этиш, уларга йўл қўймаслик учун нима қилиш тўғрисида маслаҳатлар беришдир. Ички аудит хизмати банкнинг тузилиши, катта-кичиклиги, жойлашиши ва банк муомалаларининг миқдорига қараб, бир-икки кишидан иборат мустақил бўлим ёки маълум бир бошқарма шаклида ташкил қилиниши мумкин.

Муайян тижорат банк бўлимини назорат қилиш учун ички аудит хизмати томонидан қуйидаги дастлабки ишлар амалга оширилади: аудит ўтказиш иш режаси тузилади; аудиторлар рўйхати ва улар томонидан бажариладиган ишларнинг мақсади ва вазифалари белгиланади; ўтган даврдаги аудиторлик хулосаси кўриб чиқилиб, улар бўйича белгиланган

тадбирларнинг бажарилиши кўриб чиқилади; аудит ўтказиш бўйича буйруқ ва касса қийматликларини текшириш учун гувоҳнома тайёрланади.

Тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 25 ноябрдаги 405-сонли Тижорат банкларининг ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисидаги йўриқномасида ички аудит хизмати ходимларининг жавобгарликлари белгиланган.

Шунингдек, Марказий банкнинг юқорида айтиб ўтилган йўриқномасига мувофиқ ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт: бажараётган вазифалари характериға тааллуқли олий маълумотға ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакаға эға бўлишлари; банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк фаолиятини тартибға солувчи меъерий ҳужжатларни билишлари; умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ҳисоби ва аудит андозаларини яхши билишлари; ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари; вазифаларини ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштириляётганда чекловларға эға бўлмасликлари керак.

Ички банк аудитининг иши аниқ режалаштирилган ва у ўз дастуриға эға бўлиши ва бу аудиторлик дастури қуйидаги талабларға жавоб бериши керак, яъни: мақсадларни ўз ичига олиши; дастур қамров доираси аудиторлик мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозим; батафсил иш дастури ва кўриляётган ҳар бир соҳа учун белгиланган зарур тартибларни ўз ичига олиши; ҳар бир дастур талаб қилинаётган ишни аниқ ва қисқа тарзда изоҳлаб бериши ва банк операцияларининг хусусияти ва мукамаллигиға қараб бир ёки бир нечта бўлимлар фаолиятини қамраб олиши; аудиторлик текширувларини ўтказиш доимийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳаға боғлиқ таваккалчилик даражасини баҳолашға асосланган бўлиши (аудитор банк операциялари таваккалчилиги даражасини аниқлашда банк операцияларининг хусусиятлари, банк активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ ва ички назоратнинг тегишли сиёсати ва андозаларининг мавжудлиги

хамда бошқарув ва ички назоратнинг самарадорлиги каби омилларни эътиборга олиш керак).

Ички аудитнинг ҳисоботлари бевосита банк кенгашига ёки аудиторлик кўмитасига тақдим этилиши шарт. Ҳозирги пайтда мазкур ҳисоботлар нусхалари банк бошқаруви ва банкнинг алоҳида таркибий тузилмалари бошлиқларига тақдим этилади (бевосита ушбу бўлинмага тегишли қисми);

Банкларнинг ички аудит хизмати республикамизда ҳозирда фаолият кўрсатаётган хорижий аудиторлик компаниялари билан қизғин ҳамкорлик қилишлари зарур. Аудит хизматидан фойдаланиш тижорат банкларининг катта миқдордаги маблағларини тежайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида”ги йўриқномасида аудиторлар кўмитаси банк кенгаши томонидан тузилиб, унинг таркибига банк бошқаруви аъзоларидан ҳеч ким киритилмаслиги кўрсатилган.

Банк тизимини ривожлантириш, банклар ўртасидаги рақобатни кучайтириш, ҳиссадорлар, таъсисчилар, мижозларнинг манфаатини ҳимоялаш ва банкларимизни халқаро миқёсига олиб чиқишда банк аудитининг, жумладан банк ички аудитининг аҳамияти каттадир. Хорижий давлатлар тажрибаси банк ички аудити бозор иқтисодиётининг муҳим элементи эканлигини тасдиқлаган.

Акциядорлик жамияти шаклидаги банклар фаолиятини банк кенгаши ва банк бошқаруви орқали банк акциядорлари бошқаришади ҳамда асосий маъсулият банк кенгаши зиммасига тушади. Чунки банк кенгаши акциядорлар манфаатини ҳимоя қилувчи бошқарув органи ҳисобланади. Банк кенгаши аъзолари акциядорларнинг ишончли вакили сифатида банк активларини ҳимоя қилиш, ўз манфаатларидан кўра акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини устун қўйишга мажбурдирлар. Банк кенгаши банк фаолияти тўғрисидаги маълумотни ички аудит хизматидан олади ва олинган маълумотлар асосида тегишли қарорлар қабул қилади.

Банкларда банк кенгаши ва бошқарувини банк фаолияти тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш мақсадида ички аудит хизмати тўғрисида низом ишлаб чиқилади ҳамда ушбу низом банк кенгаши томонидан тасдиқланади. Банкда ташкил қилинган ички банк аудит хизмати асосан шу низомга мувофиқ фаолият юритади. Ички аудит томонидан барча банк бўлинмалари бир йилда бир марта ички аудитдан ўтказилиши лозим. Чунки банк кенгаши барча банк бўлимлари фаолияти билан таниш бўлиши керак.

Республикамизда аудиторлик фаолияти олдида турган муҳим вазифалардан бири хорижлик ҳамкорлар тан оладиган аудиторлик хулосасини бериш қобилиятига эга, сертармоқ ва профессионал даражадаги мумумиллий аудиторлик компаниялари ташкил этиш хисобланади.

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар кўлига ўтди, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилди. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошқоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани, яъни раҳбарлар, ходимлар, миждозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. бинобарин мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан ушбу соҳани ривожлантириш ва талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш, ҳамда республикамизда аудит соҳасини ривожланиши ва такомиллашиши учун барча чораларни кўриб бормокда.

1.2. Банк аудитини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда республика тижорат банкларида ички аудит фаолияти умум қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, ушбу жараённинг шаклланишида масъул давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси вакилларининг фаол иштирок этишлари аудитнинг жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланишига ижобий туртки бўлмоқда.

Республикамизда ҳозирги даврда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи идоралар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, давлат ва жамоат аудиторлик ташкилотларининг роли ва функцияларини аниқлаш жараёни кечмоқда. Бу аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизимининг юзага келишига омил бўлмоқда. Мазкур тизим ўзининг ахамиятига кўра бир неча поғонадан иборат бўлиб, биз уларни 3-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудитни ривожлантириш босқичлари жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу босқичларнинг асосий негизи ташқи аудитнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ бўлиб, тижорат банкларида ички аудит тизими ташкил топиши ҳам ушбу жараённинг якуний бўғинидир.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизимининг иккинчи поғонаси ҳужжатларида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг бозор субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий масалалар низом кўринишида белгилаб берилган.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг учинчи поғонасини аудиторлик фаолияти андозалари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари молия-хўжалик фаолиятининг барча субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бир хил талқин қилинувчи аудит меъёрлари ва улардан фойдаланиш услубларини қамраб олишдан иборатдир.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва нормалар	Мақсадлари	Асослари
Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонун	Молиявий иқтисодиёт тизимида аудитнинг аҳамияти ва вазифаларини белгилаб беради	1992 йилда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда янги таҳрири қабул қилинган
Қонуний ва меъёрий ҳужжатлар	Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш учун хизмат қилади	Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган лицензия бериш ва сертификациялаш бўйича умумий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган
Аудиторлик фаолияти андозалари	Аудиторлик фирмалари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган талабларни белгилайди	Халқаро аудиторлик андозалари асосида аудитнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилган
Махсус аудиторлик фаолияти бўйича андозалари, вазирликлар ва ташкилотлар ички меъёрий ҳужжатлари	Аудиторлик фаолиятининг йўналишлари бўйича махсус қоидаларни белгилайди	Марказий банк томонидан банкларда аудит текширувларини ўтказиш учун махсус қоидалар белгиланган
Ички аудит андозалари	Ташкилот ва корхоналарда, банкларда ички аудит механизмини белгилайди	Марказий банк томонидан банкларнинг ички аудит хизмати учун қоидалар ишлаб чиқилган

1.3-расм. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий базаси⁶.

Тўртинчи поғона - вазирликлар ва идоралар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда муайян соҳалар бўйича солиққа тортиш, молия, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик ҳисобининг алоҳида масалалари бўйича аудит ўтказиш қоидаларини ўрнатовчи меъёрий ҳужжатлардан ташкил топган.

Аудиторлик фаолиятининг бешинчи поғонаси ўз ичига ички аудит андозаларини қамраб олган.

Ўзбекистонда аудит 1991 йилда ташкил топа бошлади. Ушбу даврда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Асосий меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

⁶ Каримов Н. “Бозор, пул ва кредит” журнал. 2010 йил 10-сон.

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, дастлаб 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ва янги таҳрирда 2000 йил 26 майда қабул қилинган.

2. «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

3. «Аудитор малака сертификатини бериш тўғрисида»ги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.

5. Ўзбекистон Аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2005 йил 25 июн 3-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2005 йил 4-сон қарорлари билан тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ПҚ-907-сонли «Аудиторлик ташкилотлари молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Қарорининг иловасига асосан ўзгартиришлар киритилган) Қарорига мувофиқ, яъни 2009 йил 1 августгача барча лицензия олган ва янгидан ташкил этиладиган аудиторлик ташкилотлари жами Устав капиталининг 51 фоизи аудиторларга тегишли бўлиши ҳамда унинг 49 фоизи пул кўринишда қўйилишини таъминлашлари шарт. Тижорат банкларида ташқи аудит текширувини ўтказиш ҳуқуқига Марказий банк лицензиясига эга бўлган учинчи гуруҳ аудиторлик ташкилолари эга бўлади.

Аудиторлик текшируви натижалари кўпчилик иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун асос бўлганлиги сабабли барча давлатларда аудит етарли

даражада қатъий тартибга солинади. Уларнинг айримларида масалан, Францияда аудитнинг меъёрлари, меъерий ҳужжатлари, аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини рўйхатга олиш ва улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш йўли билан давлат ушбу жараёнга аралашади. Бошқа давлатларда (АҚШ, Англия) ушбу жараён касбий ижтимоий аудиторлик ташкилотлар томонидан тартибга солинади.

Мамлакатимизда шаклланган ва ривожланаётган аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий-меъерий тартибга солиш тизимини учта поғонага бўлиш мумкин. Ушбу тизимнинг биринчи (юқори) поғонасида Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) туради.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳам ушбу тизимнинг биринчи поғонасига киритиш мумкин.

Аудиторлик фаолиятини меъерий тартибга солиш тизимининг иккинчи поғонаси — Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини (АФМС) ва бошқа меъерий ҳужжатларни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) - бу барча аудиторлик ташкилотлари ўзларининг профессионал фаолиятлари жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган ягона тартибга солиб турувчи меъерий ҳужжатлардир. Стандартлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) Аудитнинг Халқаро Стандартлари (АХС (International Standards of auditing - ISAS) негизиде ишлаб чиқилади ва асосан аудиторлик текширувларини ўтказиш қоидаларини белгилайди. Бу қоидалар молия-хўжалик фаолиятининг барча субъектларида бир хил қўлланилади. Ҳозирги кунгача 20 та АФМС ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончлилигини кафолатлайди. Аудиторлик фаолияти миллий стандартларини халқаро стандартлар талаблари даражасига етказиш учун шакл ва мазмун жиҳатидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Аудиторлик стандартларининг аҳамияти қуйидагилардан иборат: уларга риоя қилинганда аудиторлик текширувларининг юқори сифатли бўлиши таъминланади; аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий қилишга ёрдам беради; муайян вазиятларда аудиторлар қандай иш тутишларини белгилаб беради.

2002 йил 13 декабрида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, «аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувининг шакллари ва усулларини мустақил белгилайди». Демак, аудиторлик ташкилоти ўзининг ички иш стандартларини шакллантириши ва буйруқ билан тасдиқлаши зарур. Ички иш стандартларида текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг тармоқ, технологик ва бошқа хусусиятлари акс эттирилиши керак. Аммо, уларнинг қоидалари халқаро ва миллий стандартлар қоидаларидан четга чиқмаслиги лозим. Ички иш стандартларини аудиторлик фаолияти ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш тизимининг учинчи поғонасига киритиш мумкин.

Демак, учинчи поғона — халқаро ва миллий стандартларни тадбиқ қилиш учун зарур ҳужжатлар тўплами. Яъни аудиторлик ташкилотининг ички иш стандартларидан иборат. Бу ҳужжатлар стандартларни қўллаш ва улар асосида аудиторлик фаолиятини ташкил этишга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг шаклланиши ва ривожланишида профессионал жамоат ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (ЎзБАМА) - бухгалтерлар, аудиторлар, илмий ва педагогик ходимлар,

солиқлар бўйича маслаҳатчиларнинг республика жамоат ташкилоти бўлиб, ўз аъзоларини улар манфаатлари ва мақсадларининг умумийлиги, ҳудудий ёки профессионал тамойиллари бўйича бирлаштиради.

Ассоциация Ўзбекистон Республикасида бухгалтерлар ва аудиторлар касб малакасини ривожлантириш ва уларни халқаро стандартлар талабларига мослаштиришни таъминлайди. Шунингдек, бухгалтерлар ва аудиторларни профессионал ҳимоялашда амалий ёрдам кўрсатади.

Ассоциация бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик фаолияти, солиққа тортиш, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили ва молиявий менежмент бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Шу билан бирга юқорида санаб ўтилган масалалар бўйича маслаҳатлар беради.

2. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси (ЎзАП) - малака сертификатига эга мустақил аудиторларни ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи, мустақил нотижорат жамоат ташкилоти. Аудиторлар палатасининг асосий мақсади аудиторларнинг профессионаллик даражасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ёрдам кўрсатиш, ўз аъзоларининг касбга оид манфаатларини давлат ва жамоат органларида ҳимоя қилиш, ҳамда касбга оид талаблар бўйича барча ўзгаришлар тўғрисидаги ва ахборот таъминоти бўйича алоқа ўрнатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларнинг роли ва мақомини ошириш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосаларини ҳисобга олишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрда 365-сонли қарор қабул қилди. Ушбу қарорни амалга тадбиқ этиш учун «Аудиторлик хулосаларини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида» Низом (қарорга 1-илова) тасдиқланган.

Мазкур Низом аудиторлик хулосаларини молия-хўжалик фаолиятини текширувчи (тафтиш қилувчи) солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартибини белгилайди. Низомда, «Мавжуд аудиторлик хулосаларини умумлаштириш натижалари бўйича йиғма ахборот солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларини назорат органлари томонидан текширишнинг келгусидаги режа-жадвалини тузиш учун назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашига жорий йилнинг 1 октябригача тақдим этилади. Салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвалига белгиланган тартибда киритилиши керак.

Мазкур Низом қоидаларининг бузилиши учун солиқ органлари ва бошқа назорат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар. Солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилган текширишда аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, ушбу аудиторлик хулосаси олдиндан нотўғри деб ҳисобланади, аудиторлик ташкилоти, шунингдек бунда айбдор бўлган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Бунда солиқ органлари ва тегишли аудиторлик ташкилотлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларининг бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилишлари шарт.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланган.

Мазкур Низом «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектдан жарима ундиришнинг ягона тартибини белгилаб беради. Биринчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, Республикамизда банк аудитини амалга оширишнинг меъерий-ҳуқуқий базаси шакллантирилган. Республикамиз ҳукумати томонидан банк аудитини ўтказишни янада ривожлантириш борасида ва уни жаҳон андозалари талабларига мос равишда ўтказиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Биз кейинги параграфларда ушбу масалаларга тўхталамиз.

I боб бўйича хулоса

Ўзбекистонда аудитнинг таркиб топиши мисилсиз тарихий ўзгариш бозор иқтисодиётига ўтиш билан изоҳланади. Чунки бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектини бошқариш вазифаси профессионал менежерлар қўлига ўтди, натижада ташкилот молиявий ҳолатини мустақил назорат қилишга эҳтиёж туғилди. Капиталларни жамлашда акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши, корпоратив бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мустақил молиявий экспертиза натижалари ошқоралигини таъминлаш заруратини туғдиради. Чунки молиявий ҳисоботлар ташкилот билан алоқада бўлган барчани, яъни раҳбарлар, ходимлар, миқозлар, мулкдорлар, кредиторлар, инвесторлар, давлат ва ҳокимият органларини мустақил аудиторлар тасдиқлайдиган ахборотлар қизиқтиради, ҳисоботлар бошқа ташкилотларнинг банклар билан ҳамкорлик қилиши учун ишонч уйғотади. Бинобарин мамлакатимизда аудит турли гуруҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб тариқасида пайдо бўлди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларида ички аудит текширишларини ташкил этиш тартиби

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тоқоза этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ички ва ташқи аудитдан кутилган асосий мақсад илгарироқ таъкидлаганидек, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, назорат қилиб боришдан иборат. Бироқ улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудитор характерига боғлиқ. Ташқи аудит ҳисобот тизимини баҳолаш, банкнинг актив ва пассивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички назорат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текширилаётган банкнинг тақдим этган ҳисоботи ва баланслари ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий аҳволи ва муайян даврдаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан таклиф этилган, мустақил аудиторлик фирмалари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларга, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларга мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланади.

Ички аудит ташқи аудитга нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишига қараб, бошқача характерга, мазмунга эга бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлинма сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларга кўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришга хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндигина вужудга келаётган даврида аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув қуроли, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувни бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳлил этиб, уларга юзага чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ички аудит натижалари банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазибалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, таваккалчилик омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Ички аудит жараёнида топшириқларнинг бажарилиши турли-туман бўлиб, унинг мақсади ва ташкилот фаолияти ҳарактерига боғлиқдир. Қўйилган вазибаларни ҳар хил мезонларга суянган ҳолда турли йўллар, ҳар хил теранлик ва деталлар билан ечиш мумкин. Бунда стандартлар катта ўрин тутади.

Давлат аппарати ривожланган мамлакатларда аудит муаммоларига, жумладан, ички аудитга катта эътибор берилади. Шу ўринда назорат қилиш юқори институтларининг халқаро ташкилоти The International Organization of

Supreme Audit Institutions (INTOSA) бўлиб, унга АҚШ, Англия, Япония каби ўнлаб мамлакатлар аъзодир. Халқаро ички аудиторлар институти The Institution of Internal Auditors, (IIA) ҳам мавжуд. Бу йўналишда ҳукуматнинг махсус ташкилотлари масалан, АҚШда (General Accounting Offis) иш олиб боради. Бу каби идораларнинг ҳар бирида аудит стандартларини ишлаб чиқадиган махсус бўлинмалар мавжуд. Бу стандартлардан кутилган мақсад ички аудитнинг аҳамияти ва масъулиятини тушунтириш, ички аудит бўйича бошқарув учун асослар яратиш ва ишларни меъёрлаштириш, ички аудитни ўтказиш тажрибасини такомиллаштиришдан иборат. Стандартларнинг асосий принципларига мустақиллик ва объективлик, профессионаллик, иш ҳажми, аудиторлик топшириғини бажариш, ички аудит бўлимини бошқариш киради. Ўзбекистонда тижорат банкларида ички аудитга қўйиладиган талаблар Марказий банкнинг 2000 йил 24 июндаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги ва 2000 йил 25 ноябрдаги “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомларида белгилаб берилган. Ана шу асосда ҳар бир тижорат банкида мустақил ички аудит хизмати ташкил этилган ва улар ўз фаолиятини Марказий банк талаблари даражасида ташкил этганлар.

Аудит хизматлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўз низомлари асосида олиб боради.

Аудит хизмати, бугунги кунда, айтиш мумкинки, тижорат банки ва унинг барча филиаллари ва бошқа таркибий тузилмалари фаолиятини аудитдан ўтказиш орқали Банк кенгашига банк фаолияти истиқболлари ва мақсадларига эришишда ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда. Аудит хизмати мустақил таркибий тузилма бўлгани билан ўз фаолиятини банкнинг бошқа мустақил бошқармалари билан ҳамкорликда олиб боради. Аудит хизмати бевосита Банк кенгаши ва унинг аудиторлик қўмитасига бўйсунди. Аудит хизматининг таркибий тузилиши ва штат бирлигини ҳам Банк Кенгаши тасдиқлайди.

Бош аудитор (аудит хизмати раҳбари) Банк кенгаши қарори билан тайинланади ва ўз лавозимидан озод этилади. Аудит хизматининг бошқа ходимлари Банк кенгаши раиси томонидан бош аудитор тавсиясига асосан тасдиқланади. Аудит хизмати Банк кенгаши томонидан тасдиқланган ҳаражатлар сметасига эга бўлади. Ҳаражатлар сметаси ҳар йили бош аудитор томонидан ишлаб чиқилади ва Банк кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Фақат Банк кенгаши аудит хизматининг ҳаражатлар сметасига ўзгартириш киритиш мутлоқ ҳуқуқига эга. Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари Банк кенгаши томонидан ўрнатилади.

Ички аудит хизматини йўлга қўйишдан кутилган мақсад ички назорат тизими, жумладан молиявий ҳисоботларни тузиш устидан назорат ўрнатишдир. Ички аудит томонидан банк фаолияти, бошқарув жараёни сифатини ошириш, банк фаолиятини янада яхшилашга йўналтирилган объектив баҳо ва маслаҳат бериш банкнинг молиявий бозордаги ўрнини мустаҳамлашга олиб келади. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш Банк кенгашининг зиммасига юклатилган бўлиб, ички назоратнинг самарадорлиги билан боғлиқ масалаларни вақти-вақти билан кўриб боради, банкдаги ички назорат аҳволини банк менежерлари, ички ва ташқи аудиторлар билан муҳокама этади, ички ва ташқи аудиторлар, назорат муассасаларининг банкда аниқланган камчиликларни баратараф этишдаги таклифларининг банк раҳбарлари томонидан бажарилишини таъминлайди, мавжуд таваккалчилик ва лимитларнинг банк стратегиясига мос келишини кузатиб боради. Банк раҳбарияти ходимларнинг ўз бурчларини оғишмай бажаришини таъминлайдиган ваколат ва масъулиятини аниқ белгилаб бериши керак. Чунки банк рискларини назорат қилиш ва мониторинг қилиш учун биринчи навбатда банк раҳбарлари жавобгардир.

Ички аудит ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун асосан куйидаги вазифаларни бажаради: Банк кенгашини аудит текширувларига асосланган банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва банкнинг ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги аниқ ва мустақил (ҳолис) маълумотлар

билан таъминлаб боради; ички аудит тизимининг самарадорлиги ва аудит текширувини ўтказишга доир қабул қилинган тартиб ва тадбирларнинг амалда қандай қўлланилаётгани ва таъсирчанлигини баҳолайди ва таҳлил қилади; банк фаолиятида кўзланган мақсадларга эришиш учун қўлланилган маъмурий ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилади; таваккалчиликларни бошқаришга ва уларни баҳолаш услубларига доир тартибларнинг қўлланилиши ҳамда уларнинг самарадорлигини таҳлил қилади; молиявий маълумотлар тизимини, жумладан электрон маълумотлар тизими ва электрон банк хизматларини таҳлил қилади; бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қилади; банк фаолиятининг амалдаги қонун ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолайди; Банк кенгаши томонидан қабул қилинган ички сиёсатлар ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини текширади; доимий ҳисоботларнинг тўлиқлилиги, ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим қилинишини текширади; бухгалтерия китоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганади; капитал таркиби ва етарлилиги, активлар сифати ва ссуда портфелини таснифлаш асосида заҳиралар ташкил қилинишини, баланс ва балансдан ташқари моддалар таркибидаги ўзгаришлар ҳаракати ва жиҳатларини, Бош банк томонидан тасдиқланган молия режаси ижросининг бажарилишини, даромадлар таркибидаги баланснинг асосий жиҳатларини, бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилади; Банк кенгаши талабига асосан махсус текширишлар ўтказишга ёки махсус текширишлар ўтказишга ёрдам беради; банк ходимларига уларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришда кўмаклашиш; ойлик, чорақлик ва йиллик молиявий ҳисоботларни жорий аудитдан ўтказиш; бухгалтерия, амалиёт ва маъмурий назорат тизимининг монандлигини баҳолашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ички аудит хизмати: банк ички сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашади; ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида бошқа тижорат банклари ва ташкилотларнинг

ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик қилади; маълумотларни алмашиш орқали ички аудит ходимлари ташқи аудиторларга ёрдам беради ва уларнинг ишида кўмаклашади; ўтказилган аудит текширувлари материалларини умумлаштиради ва Аудиторлик кўмитасига текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади; аудит ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Банк кенгаши ва Бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан доимий назорат олиб боради.

Аудит хизматига Банк кенгаши томонидан тайинланган бош аудитор раҳбарлик қилади. У аудит ўтказишни режалаштиради, сиёсат ва жараёнларни белгилайди, ходимлар малакасини ошириш ва ўқитиш чораларини кўради, сифатга жавоб беради.

Бош аудиторнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: аудит хизмати фаолиятига умумий раҳбарлик қилади; аудит хизматининг таркибий бўлимлари тўзилишини, уларнинг лавозим вазифаларини, аудит хизматининг низомини, аудит текширишлари тартибларини, аудит хизматининг йиллик ҳаражатлар сметасини ишлаб чиқади ва ушбу ҳужжатларнинг ички аудит стандартларига мувофиқлигини таъминлайди; аудит хизматига малакали ходимларни жалб қилади ва улар фаолиятини бевосита бошқаради; аудит хизмати ходимларининг малакаларини ошириш чораларини кўриб боради; Банк кенгаши ва аудиторлик кўмитасига аудит хизмати фаолияти бўйича доимий ҳисоботлар бериб боради; Бош аудитор лавозим йўриқномасида қайд этилган бошқа вазифаларни бажаради.

Аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатларининг аниқ белгиланиши ўз фаолиятини сифатли ва самарали бажарилишини таъминлайди. Текширув давомида улар: текшириш ўтказиш мақсадида Бош банк ва банк филиалларининг барча бино ва хоналарига, шу жумладан касса тармоғи, пул алмаштириш шохобчалари, жамғарма кассаларига тўсиқсиз кириш; банк фаолиятига тегишли бўлган ва аудит текшируви предмети ҳисобланган барча зарур ҳужжатларни банк ва банк филиаллари раҳбарлари

хамда ходимларидан талаб қилиш; текшириш давомида банк ва унинг филиаллари раҳбарлари, ходимларидан юзага келган саволлар бўйича тушунтиришлар олиш, зарур ҳолларда улардан ёзма тушунтиришлар олиш; ҳужжатлардан нусхалар олиш; зарур ҳолларда, белгиланган тартибда (келгусида сақланиши гумон бўлган) ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб кўйиш; алоҳида банк операциялари ва ҳужжатлари текширилаётганда расмий сўровнома орқали банк мижозларидан зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар бўйича филиалларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши тўғрисида Банк кенгашига таклифлар киритиб бориши лозим.

Аудит хизмати ходимлари банк фаолиятининг барча қирраларини текшириш ҳуқуқи ўз навбатида, уларга муайян мажбуриятлар ҳам юклайди, ҳисоботларнинг тўғри ва ҳаққоний тўзилишида катта масъулиятга эга бўладилар. Бу жиҳатдан улар: банк муассасасида текшириш ўтказиш ҳақидаги фармойиш ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиши; банк ва унинг филиалларида ўтказилган текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминлаши; аудит текширувларини мутлақ мустақил равишда олиб бориши; аудит текширувларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиши; текшириш натижалари бўйича ўз вақтида ҳолис аудит ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этиши; аудит текшируви ўтказишга доир Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиши лозим.

Шу билан бирга ички аудит хизмати ходимлари: текшириш натижаларини бўзиб кўрсатгани, банк ва унинг филиаллари молиявий ҳолатига ҳолис баҳо бермагани; текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминламагани; текшириш давомида олинган ҳужжатларнинг бутлиги ва қайтарилишини таъминламагани; учун ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги

конунчилиги ва банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларига биноан жавобгар бўлиши лозим.

Ички аудит хизмати ходимларининг профессионал малакаси ички аудит хизмати ва ҳар бир аудиторнинг масъуллигини белгилайди. Ҳар бир аудитор бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, молиявий иш, статистика, маълумотларни қайта ишлаш, техника, солиққа тортиш ва ҳуқуқ соҳасида пухта билимга, иш фаолияти давомида ички аудит стандартлари, процедуралари ва усуллари, бухгалтерия ҳисоб принципи ва методлари, бошқарув принциплари, АКТда жойлаштирилган ахборот тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Бунда: бажараётган вазифалари ҳарактерига мос олий маълумотга ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакага эга бўлишлари; банк конунчилиги ҳамда Марказий банкнинг банк фаолиятини тартибга солувчи йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларини билишлари; умумий қабул қилинган халқаро бухгалтерия ва аудит андозаларини яхши билишлари; ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлари; вазифаларни ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштириладиганда чекловларга эга бўлмасликлари лозим.

Текширувлар “Аудит хизматининг банклар фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш тўғрисида”ги тартибига асосан амалга оширилади.

Аудит хизматининг иш дастури: аудит текшируви аниқ мақсадга эга бўлиши; дастур қамров доираси аудит мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши; бажарилган иш режаси ва кўриладиган ҳар бир тармоқнинг зарур тамойиллари тасвирини ўз ичига олиши талабларига жавоб бериши лозим.

Амалга ошириладиган амалиётлар ҳажми ва мураккаблигига ёки ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларнинг ўзгаришига қараб дастурга киритилган тамойиллар ўзгариб туриши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботи аудит текшируви тугаши билан қисқа муддат ичида тайёрланади. У ўз ичига аудит текшируви мақсади ва объекти,

текшириш вақтида аниқланган муаммо ва камчиликлар, аниқланган ҳар бир муаммони бартараф этиш бўйича таклифларни қамраб олган бўлиши шарт.

Муаммоларни бартараф этиш бўйича тайёрланган таклифларда аниқланган муаммоларнинг қисқача тавсифи, бу муаммоларни тўғрилаш бўйича амалга ошириладиган чоралар, уларга бириктирилган масъул ходимлар ва чораларни амалга ошириш учун белгиланган муддатлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудит хизмати ходимларининг ҳисоботлари бевосита Банк кенгашига ва аудиторлик қўмитасига тақдим қилинади. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари Банк бошқарувига, аниқланган камчиликларга тегишли бўлган қисми эса муяйян бошқармаларга тақдим этилади. Аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича филиаллар томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларга амал қилинишини назорат этиши лозим.

Аудит текширувларини ўтказишдан мақсад, Бош банкни ва унинг барча филиаллари фаолиятини аудитдан ўтказиш, банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилиш, бухгалтерия, операция ва маъмурий назорат тизимлари монандлигини баҳолаш, филиаллар фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш орқали Банк кенгаши ва Банк бошқарувига банк фаолияти бўйича белгиланган истиқбол ва мақсадларга эришишда кўмаклашишдан иборат.

Бош банк ва филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш Банк кенгаши томонидан тасдиқланган “Аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси”га асосан амалга оширилади ва ушбу ҳужжат махфий ҳисобланади. Текшириш режасига Бош банк ва унинг барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларнинг молиявий аҳволи ёхуд иқтисодий кўрсаткичлари кескин ўзгарган ҳолатларда текшириш режасига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Аудит текширувлари аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади. Филиалларда аудит ўтказиш бўйича аудит хизмати ходимлари

сафидан аудит ўтказиш ишчи гуруҳи тўзилади. Ушбу гуруҳ аъзоларидан гуруҳ раҳбари тайинланади. Гуруҳ раҳбари мазкур гуруҳ ишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради, гуруҳ аъзоларига аудит ўтказиш бўйича топшириқларни тақсимлайди, улар томонидан тайёрланган материалларни умумлаштиради ва ушбу материаллар учун жавобгар ҳисобланади, текширилаётган филиалдаги вазият ва муаммолар ҳақида вақти-вақти билан Бош аудиторни хабардор этиб туради.

Аудит ўтказиш ишчи гуруҳи текшириш режалаштирилган Бош банк ёки филиал фаолиятини аудит текширувидан ўтказишдан олдин, текшириладиган банк муассасасида унинг фаолияти аҳволини тавсифловчи илгариги текширув материаллари билан танишиб чиқишлари лозим. Бунда мазкур филиал асосан қайси соҳалар бўйича камчиликларга йўл қўйгани ва бу камчиликларнинг қанчалик бартараф этилганига эътибор қаратилади. Шунингдек, аудит ўтказилиши кўтилаётган филиалнинг Бош банкка берган ҳисобот ва маълумотлари билан танишиб чиқишлари лозим ва бунинг учун уларга тегишли бўлган ҳисоботлар ва ҳужжатлар тўплами Бош банкнинг тегишли бошқарма ва бўлимларидан талаб қилиб олинади.

Муайян филиал ёки Бош банкда аудит текшируви ўтказиш бўйича расмийлаштирилган фармойиш асосида амалга оширилади. Аудит ўтказиш тўғрисидаги фармойишлар аудит хизмати томонидан алоҳида китобда рўйхатга олиб борилади.

Фармойишда аудит ўтказилаётган филиалнинг тўлиқ номи, текшириш даври ва муддатлари, аудит текширувига қатнашувчи аудит хизмати ходимларининг рўйхати, гуруҳ раҳбари аниқ кўрсатилиши шарт. Аудит ўтказилиши учун расмийлаштирилган фармойишлар филиаллар касса тармоқларида тўсатдан текширув ўтказишни таъминлаш мақсадида бир марталик рухсатнома расмийлаштирамасдан ҳамда касса учун масъул мансабдор шахсларнинг биттаси бўлган тақдирда ҳам филиаллар кассаларида текширув ўтказиш ҳуқуқини беради.

Муайян банк муассасасида аудит ўтказиш тўғрисидаги фармойиш билан мазкур банк раҳбари таништирилиши лозим. Ўтказилаётган аудит текширувининг белгиланган тартибда ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун аудит хизмати ходимларига тегишли шарт-шароит яратиб берилишига филиал раҳбарлари масъул ҳисобланади. Аудиторларнинг компьютер тизимидаги дастурий таъминотлар ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари чекланмаслиги лозим.

Аудиторлар томонидан талабномага асосан талаб қилинадиган барча ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим қилиниши учун филиаллар ходимлари масъул бўлади. Аудит ўтказилиши бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим қилинмаслиги бевосита аудит текшируви муддатининг узайишига таъсир кўрсатади ва ушбу ҳолат мазкур филиал ходимларининг масъулиятсизлиги деб баҳоланади.

Алоҳида банк операциялари ва ҳужжатлари текширилаётганда расмий сўровнома орқали банк миждозларидан зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва ҳужжатлар ҳам талаб қилиб олинishi мумкин. Филиаллар фаолияти аудитдан ўтказилаётганда айрим ҳолатларда ҳужжатлардан нусхалар олинishi, зарур ҳолларда эса белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг, ҳужжатларнинг асл нусхалари олинishi мумкин. Аудиторлар текширув ўтказиш жараёнида айрим ҳолатлар бўйича йўл қўйилган камчиликлар юзасидан филиал ходимларидан тушунтириш хатлари талаб қилиши мумкин.

Аудит текширувининг сўнгги босқичида текширув материаллари умумлаштирилиб, далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу ҳужжат аудитда қатнашган барча аудит хизмати ходимлари ҳамда филиал раҳбарияти томонидан имзоланади. Филиал раҳбарлари ушбу материалларни имзолашдан бош тортган ҳолларда эса ёзма равишда тушунтириш беришлари шарт.

Амалиёт кассалари бўйича тузилган материаллар махфийлиги туфайли алоҳида далолатнома расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжат

филиал кассасида иштирок этган аудиторлар ва касса учун масъул филиал ходимлари томонидан имзоланади. Ушбу ҳужжатнинг биринчи нусхаси филиалнинг махсус бўлими орқали Бош банкка жўнатилади ҳамда унинг тўлалигича ва ўз вақтида жўнатилиши учун филиал раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

Аудит текширувлари тугаши билан аудит хизмати томонидан қисқа муддат ичида аудиторлик ҳисоботлари тайёрланади. Ушбу ҳисоботлар бевосита Аудиторлик қўмитасига тақдим этилади. Бошқармаларга тегишли бўлган аудит хизматининг материалларида акс эттирилган камчиликлар юзасидан уларни бартараф этиш бўйича қандай тадбирлар ишлаб чиқиши, камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қандай чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида икки кун муддат ичида тегишли бошқармалар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда аудит хизматига тақдим этишлари лозим. Кредит операциялари аудити Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Кредит портфели таҳлиliga асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайтиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.

Кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади: кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби; ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни

расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши; кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби; кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши; муддати ўтказиб юборилган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби; берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби; кредит портфели текширилгандан сўнг, йўл қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни самарали бўлишида башқарувнинг таркибий қисми бўлган ички аудитга назоратнинг зарур элементи сифатида ёндошиш зарурдир. Зеро, ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашган, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида юқори даражада даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар ички аудит хизматининг мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

Аудит хизматининг иш дастури Бош банк ёки филиаллар олдида турган барча (кредит, операцион, ликвидлилик, фоиз ставкалари, валюта, ҳуқуқий ўз мавқеини йўқотиш) тавакалчилик даражаларини баҳолаб беришга қаратилади.

Бош банк ёки филиаллар фаолияти аудит текширувидан ўтказилганда, қуйидаги масалаларни ёритиб бериши лозим: Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя

қилинишини; бош банк ёки филиалнинг иқтисодий-меъерий кўрсаткичларини, маблағларнинг етарлилигини, ликвидлилигини активлар сифатини; кредиторлар ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олаётганини; банкларнинг депозити, кредит, пул муомаласи, ҳисоб-китоб, касса, валюта ва бошқа операциялари бўйича ўтказилган амалларнинг тўғри ва асосланганлигини; ички назорат аҳволини, тузилаётган ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўғри тузилиб, тегишли жойларга тақдим этилаётганини; ходимларнинг ижро интизомини; филиал раҳбарларининг банк ишини қай тарзда ташкил қилинганини ҳамда банк даромадларини ошириш ва харажатларини камайтириш борасида олиб бораётган ишларни аниқлашдан иборат.

Тижорат банкларни ички ва ташқи аудитдан ўтказишда асосан тижорат банкларнинг қуйидаги фаолияти амалдаги қонунчиликка ва меъерий ҳужжатларга мувофиқлиги аудитдан ўтказилади: ўз маблағларини аудити; кредит портфелини аудитдан ўтказиш; касса ишини аудитдан ўтказиш; пул муомаласи ишини аудитдан ўтказиш; жамғарма ишларини аудитдан ўтказиш; қимматли қоғозлар операцияларини аудитдан ўтказиш; валюта операцияларини аудитда ўтказиш; ички банк операциялари ва солиқларнинг ўз вақтида тўланиши аудити; банклараро ҳисоб китоблар муносабатининг аудити; банк даромади, фойда ва харажатларини аудити.

Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади: ташқи аудитга нисбатан кам харажатлилиги; қонунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши; ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаланиш имконияти; ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, бошқарув услубидан, банкда қабул қилинган сиёсатдан хабардорлиги; аудиторлар орқали банк бўлимларидаги юқори малакали мутахасисларнинг текширувларга жалб қилиниши; илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги.

Таҳлиллар кўрсатишича, ретроспектив хусусиятга эга бўлган, аудиторлик фаолияти молиявий ва хўжалик операцияларини меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тўғри акс эттирилганини текширишга қаратилган бўлиб бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли эмас. Бугунги кунда ахборотдан фойдаланувчилар аудиторлардан иқтисодий қарорлар қабул қилиш билан асос бўла оладиган, тижорат банкининг ҳолатини акс эттирадиган маълумотларни олишга умид қиладилар. Фикримизча, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аудит жараёни, йўналиши ва усулига кўра икки йўналишдаги вазифаларни ўзида мужассам этиши лозим (4-жадвал).

Ички аудит хизматининг фаолияти икки йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, банк фаолияти натижаларини, иккинчиси, банк фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Ички аудитнинг асосий вазифаси, банк бошқаруви томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражасини ҳамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, банк самарадорлигини ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни банк бошқарувига тақдим этишдан иборат.

Банк тизимида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг тегишли тартиб-тамоийллари ва услубиётини такомиллаштириш, ички аудитни амалга ошириш шакллари, йўналишларини аниқлаш, ҳамда унинг бошқа белгиларига кўра таснифлашни тақозо этади. Тадқиқот ишида тижорат банкларида ички аудитнинг босқичларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш белгилари ва мезонлари аниқлаштирилган.

Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизими фаолияти «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, улар асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

**Тижорат банкларида ички аудит йўналишлари ва вазифаларининг
гуруҳланиши.⁷**

Аудит йўналиши	Текширув усули	Ички аудитнинг вазифалари
Фаолият натижаларини баҳолаш	Амалга оширилган хўжалик операцияларини баҳолаш усули	<p>Банкнинг тадбиркорлик фаолиятини, ишончлилиги ва барқарорлигини, мулкдорлар капиталининг даромадлилигини баҳолаш.</p> <p>Банк рискларини инобатга олган ҳолда аудитдан мақсадли ва тизимли фойдаланиш.</p>
Фаолият самарадорлигини баҳолаш	Банк фаолияти кўрсатаётган иқтисодий муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш	<p>Таҳлилда текширувнинг мақсади ва услубларини аниқлаш, молиявий аҳволини баҳолаш ва ривожланиш дастурларини амалиётга тадбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш.</p> <p>Активлар бутлигини ўрганиш, электрон дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий томонларини текшириш, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва турли масалалар бўйича маслаҳатлар бериш.</p>
	Бошқарув фаолиятини баҳолаш	<p>Менежмент функциялари ва банкнинг бошқарув сифатини баҳолаш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш.</p> <p>Аудит усулларини кенгайтириш ва такомиллаштириш далиллари олиш, активлар бутлигини текширишнинг нисбий ва компьютер усулларини қўшимча равишда ривожлантириш.</p>
	Назорат фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга нисбатан ёндашув даражасини баҳолаш	Пухта ишлаб чиқилган аудит стратегияси, назорат тизимини демократлаштуруви, банк даражасида аудиторлар фаолиятининг қатъий тартибга солинганлиги, аудиторлик жараёнининг сифатини назорат қилиш.

Ривожланган мамлакатлар амалётида қўлланилаётган стандартларидан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш,

⁷ Мусаев Х. Аудит. Дарслик. –Т.:2003й. 38-б.

айни ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаб ўтиш жоизки ушбу стандартларни жорий қилиш жараёни босқичма – босқич амалга оширилган ҳолда, унинг дастлабки босқичида аудит хизмати тизимидаги ҳолат ва ходимларнинг малакаларига эътибор қаратиш, кейинги босқичда эса бевосита аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин.

2.2-жадвал

Халқаро ички аудит стандартлари⁸.


Тартиб рақами	Стандартларнинг номи
Стандартларнинг сифат тавсифлари	
1000	Мақсади, ҳуқуқи ва мажбуриятлари
1100	Мустақиллик ва объективлик
1200	Малакали ва иш жараёнига профессионал ёндашув
1300	Кафолат ва ички аудит сифатини ошириш дастури
Фаолият стандартлари	
2000	Ички аудит жараёнини ташкил қилиш
2100	Ички аудит фаолиятининг моҳияти
2200	Аудит топшириғини режалаштириш
2300	Аудиторлик текширувини бажариш
2400	Текширув натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш
2500	Аудиторлик текшируви натижасида олиб борилган ҳаракатларнинг назорати
2600	Банк раҳбарияти томонидан рискларнинг қабул қилиниши

⁸ Манба: Халқаро ички аудиторлик стандартлари. М.: Халқаро ички аудиторлик институти. 2009 й. 16-б.

Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, унинг концептуал асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат изими ва услубини шакиллантиришни тақозо қилади. Табиийки, ушбу сифат кўрсаткичларсиз банк тизимида жорий қилинган ички аудит фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

Базель кўмитасининг тавсияларига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан мутассил назорат олиб боришнинг таркибий қисми ҳисоланади. Республикамиз тижорат банкларида ички аудит хизмати муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Низомда текширувни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнлари умумий кўринишда ёритиб берилган.

Республикамиз иқтисодиёти эркинлашуви шароитида ички аудит фаолияти самарадорлигини оширишга аудит кўмитаси, ташқи аудиторлар, ходимлар мустақиллиги ва малакасига бўлган талаблар каби омиллар таъсир кўрсатади.



2.1- расм. Ички аудиторлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар⁹.

Лекин ушбу омилларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан етарлича тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, уларни амалиётга тадбиқ этилиши ички аудит хизмати фаолиятини самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, ички аудиторлик фаолияти

⁹Тулаходжаева М. Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан/ Афтореф. док. экон. наук. – М.: МГУ, 2008 г.

стандартларининг жорий этилиши ушбу тизимнинг сифат тамойилларини такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш ва ташқи аудиторларнинг иш ҳажмини камайтириш имкониятини яратади.

2.2. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини ташқи аудитдан ўтказишнинг таҳлили

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини ташқи аудитдан ўтказишда аудиторлик ташкилотлари олдига янги талаблар қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан тижорат банклари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан айрим банк аудитини ўтказишга ҳуқуқи ва лицензияси бўлган ташқи аудиторлик ташкилотлари ҳозирги кунда 5 тани ташкил этади. Улардан 4 таси хорижий аудиторлик компаниялари ва 1 таси «PKF MAK ALYANS» аудиторлик ташкилоти маҳаллий аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади.

2.3- жадвал

Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ва фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлар рўйхати¹⁰


№	Аудиторлик ташкилотларнинг номи
Хорижий аудиторлик ташкилотлари	
1.	«ПрайсвотерхаусКуперс» МСНЖ
2.	«Ernst & Young» МСНЖ
3.	«Deloitte & Touche» МСНЖ
4.	«Grant Thornton» МСНЖ
Маҳаллий аудиторлик ташкилотлари	
5.	«PKF MAK ALYANS» МСНЖ

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши янги шароитда фаолият кўрсата оладиган тижорат банклари тизимини шакллантиришни тақозо этди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида турли мулкчиликка асосланган тижорат банклари тизими вужудга келди. Халқаро тажрибага таянган ҳолда банк тизимининг ислох қилиниши натижасида халқаро стандартлар талабларига кўра, уларнинг бошқарув инфратузилмаси, назорат тизимини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни хал қилишга эришилди.

Базель кўмитасининг талабларига биноан банк бошқаруви фаолияти ва назорати тизимини эволюцион йўл билан такомиллаштириш борасида ягона давлат сиёсати юргизилиб, қатор меъёрий ҳужжатлар мажмуи яратилди. Натижада банк амалиётига ташқи назорат мониторинги ва мустақил аудит каби тушунчалар кириб келди.

Бунда, банк молиявий барқарорлигига таъсир этадиган барча омиллар: капитал етарлилиги, активлар ва капиталнинг даромадлилик даражаси, активлар динамикаси, кредит портфелининг риск даражаси, инвестиция портфели каби бир қатор кўрсаткичларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиниши керак. Молиявий ҳисобот кўрсаткичлар таҳлили турли банкларнинг фаолиятини қиёсий таққослаш ҳамда яқин ўтган 2 йиллик даврдаги ўзгариш жараёнини ўрганиш, банкнинг истиқболдаги молиявий ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Ушбу кўрсаткичлар таҳлилин тижорат банклари мисолида ташқи аудит ёрдамида аниқланган қуйидаги маълумотлар асосида кўришимиз мумкин. Активлар сифати ва таваккалчиликларни бошқариш жараёнида банкнинг активлари, жумладан балансдан ташқари активлари таркиби таҳлил қилинади. Диссертация ишимда албатта, амалий маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Жумладан, “Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкилотининг АТБ “Асака банк” 2015 йил учун тақдим этган аудиторлик ҳисоботи маълумотлари асосида жадвалларни таҳлил қилган ҳолда банкнинг фаолиятига баҳо берамиз.



2.2-расм. Тижорат банклари жами активининг ўсиш динамикаси¹¹, млрд.сўм

Тижорат банклари жами активининг ўсиш динамикаси йилдан йилга ошиб бормоқда. 2010 йилда 21106 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб 62176 млн.сўмни ташкил қилмоқда. Республикамиз тижорат банклари ичида олдинги ўринларда юрадиган АТ “Асака банк” фаолиятига баҳо берамиз.

2.4-жадвал

АТБ “Асака банк”нинг активларининг таҳлили¹²

№	Активлар	01.01.2015 йил		01.01.2016 йил		Ўзгариши(+,-)	
		Сумма, млн сўм	Салмоғи %	Сумма, млн сўм	Салмоғи %	Сумма, млн сўм	Салмоғи %
1	Накд пуллар ва Мбдаги маблағлар	624 250	11,88	750 887	10,45	126 637	120,29
2	Бошқа банкларга берилган кредитлар	752 937	14,33	1 090 943	15,19	338 006	144,89
3	Мижозларга берилган кредитлар (соф)	3 592 652	68,38	5 109 789	71,13	1 517 137	142,23
4	Сўндириш муддатигача ушлаб турилган активлар	48 889	0,93	47 182	0,66	-1 707	96,51
5	Қимматбаҳо қоғозларга инвестициялар	23 677	0,45	20 938	0,29	-2 739	88,43
6	Асосий воситалар ва номоддий активлар	83 403	1,59	100 115	1,39	16 712	120,04
7	Бошқа активлар	127 825	2,43	119 376	1,66	-8 449	93,39
	Жами активлар	5 382 855	100,0	7 239 230	100,0	1 985 597	137,79

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2010-2015 йил маълумотлари

¹² АТБ “Асака банк” нинг 2014-2015 йиллар маълумотлари


Асака банкнинг активлари 2014 йилга нисбатан, 2015 йилда 1 985 597 млн. сўмга ёки 37,8 фоизга ошган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланиб, унга асосан. Банк томонидан миждозларга берган кредитларининг миқдори ва нақд пул ҳамда унга тенглаштирилган пул маблағларининг кўпайиши таъсир кўрсатган.

Кўрадиган бўлсак, кредитларнинг 2014 йилга нисбатан 1 517 137 млн сўмга, Нақд пуллар ва Ўз.Р.М. банкдан олиниши лозим бўлган маблағларни эса 126 637 млн.сўмга ошгани ижобий таъсир кўрсатган.

Банкда фақатгина бошқа банклардан олиниши керак бўлган маблағларнинг камайгани банк учун нисбатан салбий натижа ҳисобланади . сабаби банк ўзинг ортиқча маблағини банкда сақламасдан бошқа банкларга бериб даромад олишга интилиши керак. Банк активларида асосан кредитларнинг улуши ортиқча бўлишига сабаб банк даромадининг асосий манбаи кредит операцияларидир.


Активларнинг ўзгариши капитал етарлилиги кўрсаткичига ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу фикрнинг мантикий давоми сифатида тижорат банкларида капитал етарлилиги кўрсаткичи таҳлилини келтирамиз. Капитал етарлилигини баҳолаш банкнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади, чунки банк капитали унинг омонатчилари ва кредиторларининг пул маблағларининг гарови ҳисобланади, банкнинг келгусида ривожланишига ҳамда банк фаолиятидаги таваккалчиликларни тартибга солиш учун хизмат қилади.

Таҳлил жараёнида банк капиталининг ҳажми, ўсиш суръатлари ва таркиби ўрганилади. Шу ўринда регулятив капитал таҳлилини ўтказиш асосий эътибор касб этади. Банкнинг ўз капитал базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширган чора-тадбирларини баҳолаш мақсадида жами активлар ва банк капиталининг ўсиш суръатлари таққосланади.



2.3-расм. Тижорат банклари жами капиталининг ўсиш динамикаси¹, млрд.сўм¹³.

Тижорат банклари жами капитали йилдан йилга ошмоқда. 2010 йилда жами капитал 4100 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 7784 млрд.сўмга ошди. Бундан ташқари банкнинг жами капитали ҳам ошмоқда.



2.4-расм. АТБ “Асака банк” жами капиталининг ўсиш динамикаси¹⁴ (млн. сўм)

¹³ www.cbu.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁴ www.asakabank.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

АТБ “Асака банк” жами капиталининг ўсиш динамикасига баҳо берадиган бўлсак, 2012 йил банкнинг капитали 4215587 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб эса 4524756 млн.сўмга ошган. Ўз навбатида бу жараён давом этиб, 2015 йилга келиб 7239230 млн.сўмгача ошган. Ўтган йилга нисбатан 27,5 фоизга ошган. Капиталнинг ошиши банк учун зарур ресурсни четдан жалб қилмасдан ўзининг капиталини ресурс сифатида фойдаланиши мумкин бўлади.

2.5-жадвал


АТБ “Асака банк” пассивининг структурасининг солиштирма таҳлили¹⁵

(минг сўм)

№	Кўрсаткич номи	01.01.2015 йил		01.01.2016 йил		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма, млн.сўм	Салмоғи %	Сумма, млн.сўм	Салмоғи %	Сумма, млн.сўм	Салмоғи %
1	Банкнинг ўз маблағлари	675 729	12,86	745 800	10,30	70 071	10,37
2	Банкнинг жалб этилган ва қарз маблағлари	4 577 904	87,14	6 493 430	89,70	1 915 526	41,84
Жами пассивлар		5 253 633	100,00	7 239 230	100,00	1 985 597	37,79

Асака банкнинг жами пассивининг структурасининг солиштирма таҳлилида асосий улушни жалб этган маблағлар ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 1 985 597 млн сўмга ёни 37,79 фоизга ошган. жалб қилинган маблағлар таркибида эса асосий улушни банкнинг депозитлари ташкил қилади.

¹⁵ АТБ “Асака банк” молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.




2.5-расм. АТБ “Асака банк” депозитларининг ҳажми ¹⁶ (млн. сўм)

АТБ “Асака банк” депозитларининг ҳажми йилдан йилга ошиб бормақда. Бунга сабаб сифатида асосийси бу банкка миждларнинг ишончини ошганидир. 2010 йилдан бери йилига деярли 22 фоиздан ошиб. 2015 йилга келиб жами депозитлари 4842726 млн сўмни ташкил қилган. Бу Асака банкнинг депозит сиёсати тўғри ташкил этилганлигидан далолат беради.

Умуман пассивининг, қолаверса банкнинг муддатли депозитларининг кўпайиши ҳам банкнинг активларининг ҳам ошишига олиб калади.

Умумий холда банк активларининг ошиши банк фаолиятининг яхши олиб борилайтганидан далолат беради. Чунки банк миждлар олдида ўининг мажбуриятларини ўз вақтида тўла бажара олса ўз ўзидан банкнинг имижи ошиб, унинг таъсирида банкнинг маблағлари ҳам ошади. Бунинг натижасида, банкка бўлган ишонч янада ошади ва кредитлаш салоҳият яхшиланади.

¹⁶ www.asakabank.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



2.6-расм. АТБ “Асака банк” кредит қўйилмаларининг ҳажми ¹⁷ (млн. сўм)

Банкнинг асосий актив операцияларидан бири ҳисобланган кредит операциясини таҳлил қиладиган бўлсак, банкнинг кредитлари йилдан йилга кўпаймоқда. 2012 йилда Асака банкнинг кредитлари 2400607 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йил 2886757 млн сўмни, 2014 йил эса 3592562 млн сўмга ошган. 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 5109789 млн сўмни ташкил қилди.

Берилган кредитларни асосий қисмини қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган кредитлар ташкил қилган. Сабаби АТБ “Асака банк” республикамизда асосон саноат ва транспорт воситаларини кредитлаш билан шуғулланадиган асосий тижорат банк ҳисобланади. Кредит портфелининг деярли 55-65 %и шу тармоққа ажратилган кредитлар ташкил этади.

Умуман тижорат банклари томондан бажариладиган кредит операцияси банкнинг асосий фоиз даромадани ташкил қилади. Шунинг учун ҳам кўп тижорат банклари асосий этиборни актив операциялари орасида кредит га қаратади.

¹⁷ www.asakabank.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

АТБ “Асака банк” даромад, харажатлари ва фойдасининг динамик таҳлили¹⁸

Кўрсаткичлар	01.01.2015 й.	01.01.2016 й.	Ўсиш суръати %	
	Сумма (млн.сўм)	Сумма (млн.сўм)	Мутлоқ	Нисбий
1	2	3	4	5
Жами даромадлар	553 742	614 014	60 272	10,88
Жами харажатлар	476 067	532 859	56 792	11,93
Соф фойда	77 675	81 155	3 480	4,48

Банкнинг соф фойдасига баҳо берадиган бўлсак, 2014 йилда олдинги йилга нисбатан 3480 млн сўмга соф фойдаси ошган. Бунинг ошишига банкнинг жами даромадларининг 60 272 млн сўмга ошгани ёки 10.9 фоизга кўпайгани ижобий таъсир кўрсатган бўлса, жами харажатларнинг 56792 млн сўмга ошгани салбий таъсир кўрсатган. Бундан ташқари 56 филиалга эга бўлган Асака банкнинг бор йўғи 81155 млн соф фойда билан чиқиши ижобий ҳисобланмайди. Бунга сабаб айтиб ўтганимиздек, банк асосий даромади ҳисобланган кредит операциялари таркибида имтиёзли кредитларнинг улуши катта ҳисобланади.

Умумий ҳолда олганда АТБ “Асака банк”нинг фаолиятига ижобий баҳолаш зарур. Чунки энг асосий кўрсаткичлар ҳисобланган юбанкнинг капитали, активлари, кредитлари ва депозитлари йилдан йилга ошмоқда.

Банк фаолиятининг бир йўналишга боғланиб қолиши, бозордаги ўзгаришларни банк фаолиятига таъсирини оширади. Бозордаги ўзгаришларни тасодифан юз бериши, банкнинг даромадлар оқимининг паст бўлган вазиятда банк молиявий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Банкнинг фойдалилик даражаси рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади. Рентабеллик кўрсаткичлари бошқа фаолияти ўхшаш бўлган банклар гуруҳи билан таққосланади.

¹⁸ АТБ “Асака банк” молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Банкнинг ўсиш истикболлари таҳлил қилинаётганда унинг миллий ва халқаро банк хизматлари бозоридаги фаолиятининг кўламлигини аниқловчи омиллар кўриб чиқилади. Бу омилларни ўрганиш банк фаолиятининг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон бериб, банкнинг молиявий фаолияти натижаларига бевосита таъсир ўтказади.

Банкнинг ички банк хизматлари бозоридаги ўрнининг мустаҳкамлиги ва унинг банк хизматлари нархларига таъсир эта олиш имконияти ҳам баҳоланиб, бунда банкнинг жами активлар, хусусий капитал, кредит портфели ва миқдорларнинг депозит пул маблағлари ҳажми бўйича бозордаги мавқеи кўрилади.

Умуман олганда, тижорат банклари молиявий ҳисоботларини амалий маълумотлар асосида коэффицентлар ёрдамида таҳлил қилиш ундан барча фойдаланувчиларга (сармоядорлар, кредиторлар, омонатчилар ва бошқалар) унинг фаолият шаффофлиги ва ички назорат самарадорлигини баҳолаш ҳамда банк акциядорлари таркиби ҳақида маълумотларни олиш имкониятини яратади.

II боб бўйича хулоса

Банкнинг ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш молиявий ҳисобот маълумотларининг сифати ва ҳаққонийлиги даражаси билан амалга оширилади. Бунда, банк ҳисоботларини ташқи аудит текширувидан ўтказишда халқаро стандартлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Базель кўмитасининг тавсияларига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан мутассил назорат олиб боришнинг таркибий қисми ҳисоланади. Республикамиз тижорат банкларида ички аудит хизмати муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Низомда текширувни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнлари умумий кўринишда ёритиб берилган.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Банк аудитини сифатини ошириш билан боғлиқ муммолар

Банк тизимидаги ислохатларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклар фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тақозо этади. Шу боис, Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит хизмалари катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари молия–кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини зарурият қилиб қўймоқда.

Ҳозирги кунда тижорат банклар фаолиятида ички ва ташқи аудитни бир-бирига мувофиқлаштиришда кўплаб ўз ечимини топмаган муҳим муаммолар мавжудки, улар тижорат банкларида ички ва ташқи аудит натижаларига, жумладан, аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлигига, аудиторлик текширувларнинг сифатига, аудиторларнинг этик фаолиятига, аудитдан ўтаётган ташкилот ёки банк фаолиятига реал баҳо бериш имкониятига салбий жиҳатдан таъсир этмоқда. Шу боис, магистрлик диссертациямизда ушбу муаммоларни қуйидагича ёритишни лозим топамиз:

1. Тижорат банкларни ташқи аудитдан ўтказишда банк акциядорлари ва банк бошқаруви ўртасидаги зиддиятлар.

Тижорат банклари йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказишда энг муҳим муаммолардан бири бу банк бошқаруви ва

акциядорлари томонидан банк молиявий аҳволини ҳаққонийлигини аниқлашда манфаатлар тўқнашувидир. Чунки, ташқи аудит "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунга кўра мустақиллик, холислик, эркинлик тамойиллари асосида профессионал фаолият билан шуғулланувчи ҳамда акциядорлар ва банк бошқарувига бўйсинмайдиган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Кўпчилик ҳолларда банк бошқаруви ўзининг йиллик фойдасини яширишга ҳаракат қилади. Чунки, банк фойдаси камайтириб кўрсатилса банк тамонидан давлат солиқларини тўлаш қисқаради. Акционерлар эса банкнинг йиллик фойдасини кўпроқ бўлишидан манфаатдордирлар. Бунда, банкнинг йиллик фойдаси қанчалик кўп бўлса, акциядорлар банк акцияларидан оладиган дивидендлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Маълумки, банк бошқаруви аудит ташкилоти билан банкни ташқи аудитдан ўтказиш тўғрисида шартнома имзолайди. Бироқ, акциядорлар йиғилишида бир нечта аудиторлик ташкилотлари тендерда эълон қилиниб, акциядорларга маъқул тушган аудиторлик ташкилотигина текширувга жалб этилишини ёдда тутиш лозим. Шунингдек, бу ҳолат ҳар доим ҳам амалга оширилмайди. Бу эса аудиторлик ташкилотининг маълум бир томондан банк бошқарувига буйсуниб қолишини англатади. Натижада, маълум даражада аудиторлик ташкилоти банк бошқарувининг манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур бўлади.

2. Тижорат банклари томонидан аудиторлик ташкилотларини танлаш имконининг чегараланганлиги.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда тижорат банкларни ташқи аудитдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тамонидан банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ва амалда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлар 5 тани ташкил қилади. Улардан 3 таси хорижий аудиторлик ташкилотлари, 2 таси маҳаллий аудиторлик ташкилотларидир. Бу эса тижорат банкларининг ташқи аудит ташкилотларини танлаш имконияти чекланганлигидан далолат беради.

Ташқи аудиторлик ташкилотларининг камайишига қуйидаги омиллар ҳам сабаб бўлган:

- Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан айрим банк аудитини ўтказишга ҳуқуқи бўлган аудиторлик ташкилотларининг ташқи аудит ўтказиш ва лицензия талабларига жавоб бермаслик оқибатларида мазкур фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилиниши;

- Иккинчидан, 2007 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 615-сонли Қарорига мувофиқ тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низомда кўрсатилган “Устав капиталининг миқдори ва аудиторларининг малакасига қўйилган” талабларнинг ошиши натижасида аудиторлик ташкилотлари сонини кескин қисқариб кетишидир.

3. Аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик этик қоидаларининг қўпол тарзда бузилиши.

Кўпгина аудиторлик ташкилотлари ўзларининг аудиторлик фаолияти ва аудиторлик консалтинг хизматларини амалга оширишда аудиторлик этик қоидаларининг жиддий тарзда бузилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Профессионал аудиторларнинг мажбурий сифатларидан бири бу жамият олдидаги маъсулиятини тан олишидир. Шунга кўра, Ўзбекистон Аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2005 йил 25 июн 3-сон, билан қабул қилинган. У аудиторлар аудиторлик хизматни кўрсатишда миждоз билан ўзаро муносабатларини аниқловчи этик ва профессионал меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларга қатъий риоя қилишни тартибга солади. Шунга кўра, аудиторлик ташкилоти қуйидаги аудиторлик этик қоидаларга риоя қилишлари лозим.

4. Аудиторлик ташкилотлар тўғрисида маълумотларнинг чегараланганлиги муаммоси.

Тижорат банклар йиллик аудит текширувларини ўтказувчи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ва амалда фаолият

кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятининг чекланганлиги. Бу эса тижорат банкларнинг ташқи аудит ташкилотлари тўғрисида маълумотлар билан танишиб боришга ва уларни танлаш имкониятини чегаралайди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигининг интернет веб саҳифаси орқали маълумот олишлари мумкин.

Бизнингча, веб саҳифадан ташқари қўшимча иқтисодий газета ва журналларда ҳам аудиторлик ташкилотлари уларнинг фаолияти тўғрисида маълумотлар, уларнинг рейтингларни эълон қилиш тижорат банкларига аудиторлик ташкилотлари тўғрисида кенгроқ маълумотлар олиш имконини беради, шу боис, бу борада қўшимча чора ва дастурлар ишлаб чиқиш лозим.

5. Аудиторлик ташкилотларнинг хизмат нархининг юқорилиги ёки хизмат ҳақи(шартнома қиймати)нинг аудиторлик ташкилотлари томонидан белгиланиши.

Мамалакатимиз молиявий хизматлар бозорида фаолият юритаётган маҳаллий аудиторлик ташкилоти билан хорижий аудиторлик ташкилотлари хизматларининг нархи ўртасида кескин фарқ мавжуд. Тижорат банкларнинг ушбу хориж аудиторлик ташкилотларининг хизмат ҳақлари ҳозирги иқтисодий шароита уларнинг даромадига сезиларли таъсир қилади. Республикамизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тамонидан банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ва амалда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларнинг сони камлиги натижасида аудиторлик ташкилотларининг хизмат нархи юқорилигидан далолат беради. Бундан ташқари, унинг асосий сабабларидан бири хорижий аудиторлик ташкилотларининг дунё миқёсида тутган мавқеининг юқорилиги (дунёда тан олинган, обрўйи баландлиги), ушбу хорижий аудиторлик ташкилотлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўзининг филиалларини очган ва уларнинг иш тажрибасининг маҳаллий аудитор ташкилотларимизга нисбатан юқорилиги, мутахассисларининг иш

тажрибаси, билим даражаси бу уларнинг маҳаллий аудиторлик ташкилотларимизга нисбатан устунлигини билдиради.

6. Аудиторлик ташкилотлари иш тажрибасининг юқори эмаслиги ва хорижий ташкилотлар билан ишлаш услубининг йўқлиги ҳамда улар ходимларининг малакавий даражаси, салоҳиятининг юқори эмаслиги.

Ташқи аудит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бу уларнинг профессионал иш тажрибасига эга бўлишидир. Аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги (ихтиёрий) аудиторлик текширувларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни ва №90-«Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари» номли аудиторлик фаолияти миллий стандарти(АФМС)да кўрсатилган, исталган профессионал хизматларни кўрсатишлари мумкин. Бундай хизматларга қуйидагилар киради:

- а) бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш
- б) молиявий ҳисоботни тузиш;
- в) миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;
- г) хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
- д) бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менеджмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;
- е) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш;
- ж) аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида назарда тутилган бошқа профессионал хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин.

Ушбу келтирилган профессионал хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ва тўлдирилиши мумкин, аммо ҳозирги кўринишда ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан таклиф қилинадиган хизматларнинг қанчалик

хилма-хил эканлигини кўрсатмоқда.

Аудиторлик ташкилоти юқори сифатли профессионал хизмат кўрсатишга эришиши учун ўз фаолиятини шундай ташкил этиши керак-ки, унинг иш бажариш ёки хизмат кўрсатишда қатнашаётган ходимлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: ҳалоллик ва ҳаққонийлик; профессионал компетентлилик ва зарур тажриба ҳамда малакага эгаллик; профессионал ахлоқ нормаларига риоя қилиш ва белгиланган стандартлар (шу жумладан корхонадаги ҳам) талабларини бажариш; ўз профессионал мажбуриятларини бажариш чоғида ходимларга маълум бўлган ахборотларни махфий (сир) тутиш принципига риоя қилиш ва ҳоказо.

Аудиторлик ташкилоти ходимлари маъруза ва семинар иштирокчиларига фуқаролик, солиқ ва бошқа қонунчиликларда рўй берган ўзгаришларни, бухгалтерлик ҳисобини юритишга доир меъёрий ҳужжатлар (бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро ҳамда миллий стандартлари, низомлар, қарорлар, йўриқномалар ва бошқалар)ни шарҳлаб берадилар. Шунингдек, бундай тадбирларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузишда кўп содир бўладиган хатолар муҳокама қилинади ва семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб берадилар.

7. Аудиторлик ташкилотлари тамонидан аудит текширувларини ўтказиш муддатларининг реал эмаслиги.

Бизга маълумки тижорат банклари ташқи аудиторлик ташкилотлари билан шартнома тузилаётганда шартномада аудит текширувининг муддати кўрсатилади. Бу эса тижорат банк фаолиятига қисқа вақт ичида аудиторлик ҳулосасини ёзишда унинг фаолиятига реал баҳо бериш имконини чегаралайди. Тижорат банкларида ички аудит банк фаолиятининг йил давомида аудит текширувдан ўтказиш имкони мавжуд.

Ташқи аудиторлик ташкилотлари банк ички аудит бўлимлари билан ҳамкорлик қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий банкнинг тижорат банкларда ички аудитни ташкил этиш бўйича тавсия ва низомларида бўлинмаларнинг аудиторлик ташкилотлари билан алоқасига унчалик эътибор

берилмаган. Гарчи, аудиторлик ташкилотларига ўзларига керакли маълумотларни талаб қилиб олиш ва уларни тақдим этиш мажбурийлиги айтилган бўлсада, аудиторлик ташкилотларига улардан йил давомида қилинган ишлар бўйича ҳисобот талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилиши лозим. Чунки, бу ҳисоботлар билан танишиш ички аудит фаолиятига, қолаверса тизимга реал баҳо беришни таъминлайди ва йиллик ташқи аудит текширувларини сифатли ўтказишга имконият беради ва бевосита унинг ривожланишига рағбат уйғотади.

3.2. Тижорат банкларида ички ва ташқи аудит текширувларини такомиллаштириш йўллари

Республикамызда аудиторлик фаолиятини шу жумладан банкларда аудит муносабатларини тартибга солиб турадиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўпламининг вужудга келтирилганига қарамай, умуман аудитни, хусусан банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга айрим қўшимчалар ва тўлдиришлар киритиш зарурияти туғилмоқда.

Тижорат банкларининг ташқи аудити ҳам – молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатувчи, банкнинг молиявий аҳволини ёмонлаштирувчи ҳамда қонун ҳужжатларини бузувчи умумий ҳолатларни аниқлайди. Лекин, унинг мақсади ички аудитдан фарқ қилиб, молиявий ҳисоботнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида фикр билдириш, хизматлар, ёрдам кўрсатиш ҳамда миждоз билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

Ташқи аудит банкнинг молиявий аҳволини яхшилаш, инвесторлар, кредиторларни жалб этиш ҳамда банкка ёрдам ва маслаҳат бериш учун ўтказилади.

Тижорат банклари ички аудит хизмати иш режасини қуйидаги йўналиш бўйича такомиллаштириш зарурдир.

1. Банк ички аудит хизматининг 1 йиллик иш режасини тузиш даврида банкни ташқи аудит текширишларини ўтказадиган Аудит фирма фаолияти билан мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Банк ички аудит фаолиятининг 8 йиллик иш режаси Марказий банк инспекторлик текшириш режаси билан мувофиқлаштириш ортқча харажатлар қилишнинг олдини олишга олиб келади.

Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишни такомиллаштиришда авваломбор банк томонидан Марказий банк талабларидан келиб чиқиб кейин бир йил муддатга тузилган кредит сиёсатини таҳлил қилишга эътибор бериш зарур.

Бундан ташқари, баъзи банкларнинг кредит сиёсатида кредит таъминоти бўлиши мумкин бўлган (гаров, кафиллик ва кафолатлар) аниқ кўрсатилмаган. Натижада кредитларни ҳужжатлаштириш тартиби тўлиқ ҳамма жараёнларни ўз ичига олмайди. Ҳозирги кунда, зарур ҳужжатларнинг тўлиқ олинмаслиги ва расмийлаштирилмаслиги ёмон кредитларни қайтаришда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Умуман, жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни қон томири бўлган банклар фаолиятини янада эркинлаштириш, фуқароларни банкларга бўлган ишончини ошириш, ҳамда республика иқтисодиётига чет эл саромоядорларини тижорат банклари орқали жалб қилишда банкларнинг аудит текширувидан ўтказиш муҳим бўлиб бормоқда. Банкларнинг йиллик молиявий ҳисобтларини ташқи аудиторлар томонидан текширилиши ва уларнинг натижаларини матбуотда эълон қилиниши банклар ўртасида ҳалол рақобат муҳитини яратмоқда.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, йўналишлари ва истиқболи авваломбор иқтисодий тизимнинг янги тамойилларига ўтиш билан боғлиқдир. 1992 йил декабрда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда янги таҳрир асосида ишлаб чиқилган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, акциялари фонд биржаларида котировка қилинадиган чекланган моддий жавобгарликдаги хўжалик субъектлари: банклар, биржалар, инвестицион ва молиявий компаниялар, чет эл инвестицияларига

эга корхоналарнинг йиллик молиявий ҳисоботлари (баланс, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботлар) мустақил экспертиза қилинмоқда.

Банк операцияларининг асосий қисмини кредит (60-70%) операциялари ташкил қилади. Шунинг учун аудит қилишда бу операцияларга катта эътибор берилади.

Фикримизча биринчи навбатда ўзгаришлар банк ички аудит хизматини ташкил қилишга тегишли бўлиши керак. Марказий банкнинг 1999 йилда тасдиқланган 405-сонли «Тижорат банклари ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида»ги низомга мувофиқ Аудит Қўмиталари фаолиятини ва умуман банк кенгашлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш зарур. Банк кенгашларнинг фаолиятини кўриб чиқишнинг сабаби шундан иборатки, шу масала бўйича 2 октябрь 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли ҳамда 2000 йилдаги 104-сонли қарорлари билан банк кенгашлари ички аудит хизматини ташкил қилишни тубдан ўзгартириш кўзда тутилган эди.

Аммо амалиётда банк кенгашлари фаолиятида ва банк ички аудит хизматини ташкил қилишда кутилган ўзгаришлар тўлиғича амалга оширилмади. Чунки йирик тижорат банклари кенгаш аъзолари аввалгидек давлат вазирликлари, коорпарациялар ва Марказий банк аъзоларидир.

Бундай шароитда кенгаш аъзоларининг юқори лавозимлари ва мавқеи банк ички аудит хизмати устидан назорат қилишга, уни зарур даражада ташкил қилишга вақтлари ҳам бўлмайди.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун банк кенгаш аъзоларининг бир қисмини шартнома асосида доимий ишга қабул қилиш учун конкурс эълон қилиш керак.

Конкурсда ғолиб чиққан энг кучли банкир-иқтисодчиларни ишга қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўзгаришларни амалга оширишдан аввал унинг қонуний асосини яратиш лозим.

Юқорида кўриб чиқилган муаммодан кейинги масала, яъни ички банк аудити хизматининг мустақиллиги келиб чиқади.

Хусусан, ҳозир амалиётда банк ички аудит ходимлари ва бош аудитор бошқа ходимлар сингари (фаррошлар сингари) умумий қоидалар асосида ишга қабул қилинади ва бўшатилади. Харажатдаги қонунларга асосан бу банк кенгаши ваколатига кирсада, Бошқарув раиси буйруғига асосан амалга оширилади. Худди шу сингари ички аудит ходимлари иш ҳақи банк кенгаши ваколатида бўлса ҳам бошқа ходимлар сингари ҳисобланади ва тўланади. Ички банк аудити хизматини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш бош аудиторлар томонидан тайёрланган банк кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилиши зарур. Бу харажатлар сметасига керакли ўзгаришлар киритиш фақат банк кенгаши ваколати билан қилиниши зарур.

Алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ҳозир тижорат банкларида билимли ва тажрибали ички аудит ходимларини тайёрлаш ва қайта таёрлаш муаммоси мавжуд. Чунки кўпгина тижорат банкларида ходимларнинг ишдан бўшаб янгилари ишга келиши муаммоси сақланиб қолмоқда булар ҳозирги замон талабларига мослаштириш учун доимий ўқув курсларини, чет эл банкларида амалиёт ўташини ташкил қилиш лозим. Ҳозирги даврда банк ички аудит хизмати томонидан тайёрланадиган, фойдаланидиган ва сақланадиган ички хужжатларга талаблар тубдан ўзгариши лозим. Аудиторлик фаолиятининг халқаро андозаларига мувофиқ доимий аудиторлик файлларини ишга қўллаш ва фойдаланиш жуда қулайдир. Доимий аудиторлик файлларини банкдаги доимий йиғилиб борадиган ахборот тўплаши бўлиб, текшириш натижасида янгиланиб боради. доимий аудиторлик файлларини банкнинг ҳар бир фаолияти бўйича тайёрлаш ва умумлаштириш мумкин. Мисол учун ўртача катталиқдаги тижорат банки аудитори учун қуйидаги Доимий аудиторлик файллари тузилади: миқозларни кредитлаш; қўзғалмас мулкни залогга қўйиб ипотека кредити ва депозитлар бўйича алоқа файл юритилади.

Доимий аудиторлик файлларини тузиш ва тайёрлаш жуда мураккаб, аммо ундан фойдаланиш ва янгилаш жуда осон ва қулайдир.

Бундан ташқари, доимий аудиторлик файллари банк фаоллари бўйича, уларнинг ташкилий таркиби, асосий ходимлар рўйхати ва мажбуриятлари бўлимлар ва филиаллар тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлади. Банк кенгаши ва бошқаруви банённомси ва бошқа зарурий хужжатларни ҳам олиш мумкин. Кредит амаллари бўйича: кредит шартномалари гаров, кафолат ва кафиллик бўйича нотариал тасдиқланган хужжатлар тўплами, кредит кўмитаси баённомалари, кредит бўйича зарурларни қоплаш захира фондини яратиш ва уни ишлатиш бўйича зарур маълумотлар ана шу доимий аудиторлик файлларида сақланади.

Тижорат банклари ички аудит хизмати иш режасини қуйидаги йўналиш бўйича такомиллаштириш зарурдир.

3. Банк ички аудит хизматининг 1 йиллик иш режасини тузиш даврида банкни ташқи аудит текширишларини ўтказадиган Аудит фирма фаолияти билан мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

4. Банк ички аудит фаолиятининг 8 йиллик иш режаси Марказий банк инспекторлик текшириш режаси билан мувофиқлаштириш ортиқча харажатлар қилишнинг олдини олишга олиб келади.

Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишни такомиллаштиришда авваломбор Банк томонидан Марказий банк талабларидан келиб чиқиб кейин бир йил муддатга тузилган кредит сиёсатини таҳлил қилишга эътибор бериш зарур.

Натижада кредитларни хужжатлаштириш тартиби тўлиқ ҳамма жараёнларни ўз ичига олмайди. Ҳозирги кунда, зарур ўужжатларнинг тўлиқ олинмаслиги ва расмийлаштирилмаслиги ёмон кредитларни қайтаришда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўтказилаётган ички ва ташқи аудиторлик текширувлари ички назорат тизими ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермаслигини таъкидлашга йўналтирилган. Шунинг билан бирга банкларда ички назорат тизими юзага

келиши мумкин бўлган зарарлардан химоя қила олади дея олмаймиз. Аммо яхши ташкил қилинган ички назорат тизими рискни бошқариш ва уни раҳбарият учун унчалик хавfli бўлмаган даражага пасайтириш имконини беради. Шунини таъкидлаш лозимки, ички назорат тизими аниқ, катъий даражага эга эмас. У ўзгарувчан ва турли омиллар таъсирига тушиши мумкин. Назоратнинг қўпол камчиликларини аниқлаш учун, ҳар қандай ички назорат тизими доимий равишда текшириб турилиши лозим. Бундай текширишлар ички назорат тизимини ўзгартириш ва рисклар даражасини аниқлаш имконини беради.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ ички ва ташқи аудиторлик текширувлари ўрнатилган тартиб ва стандартлар доирасида ўтказилсагина, у сифатли ҳисобланади. Ички ва ташқи аудиторлик текширувлари катта эътибор билан режалаштирилиши, унинг ўтказилиши махсус ҳужжатлар билан бирга аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Банк аудитори ҳужжатларни тўплаш ва танлаб текширишда маълум талабларга амал қилиши керак. Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида ўз-ўзини бошқаришни ҳам йўлга қўйиш талаб этилади.

Банк соҳасида аудиторлик текширувларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган умумий стандартларга асосланади. Бизнинг фикримизча аудит стандартларини махсуслаштириш банк аудитини ўтказиш масалаларига услубий ёндашишнинг бир хил талабини ўрнатиш имконини беради.

Хорижий давлатларнинг аудиторлик фаолиятидаги тажрибасига таянган ҳолда, тижорат банклари ва кредит ташкилотларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида банк аудитини ўтказишда қўлланиладиган стандартларни қуйидаги тартибда мослаштиришни тавсия этамиз:

- 1) Кредит ташкилотларининг аудитини ҳужжатлаштириш;
- 2) Кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида оғишишлар мавжудлигини баҳолаш.

- 3) Аудиторлик рискени минималлаштириш ва баҳолаш.
- 4) Аудиторлик танлаб текширишининг ҳажми, параметри ва услублари.
- 5) Фирманинг ички назорат сифатини таъминлаш учун аудиторлик фирмаси ходимларининг ҳаракатлари.

Улардан биринчи стандартни кўриб чиқамиз:

Стандартнинг мақсади аудиторлик иш ҳужжатларининг ягона шаклини аниқлаш, уларнинг сақланиши учун талаблар ўрнатиш ҳисобланади. Стандартнинг вазифаси кредит ташкилотларини аудит қилишда аудиторлик иш ҳужжатларининг ягона шаклини аниқлаш; аудиторлик иш ҳужжатларининг сақланиши ва қўлланиши бўйича аудиторларнинг ҳаракатларини аниқлаш ҳисобланади. Кредит ташкилотини аудит қилишда олинган маълумотлар аудиторнинг иш ҳужжатларида акс эттирилган бўлиши лозим.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари алоҳида тўлдирилган жадваллар ва ҳужжатлар шаклида бўлади ва улар тушунтиришлар, изоҳлар, кредит ташкилоти раҳбарларининг аризалари, керак бўлса фото суратлари, кредит ташкилоти ҳужжатларига таклифлар, маълум маънога эга бўлган ҳужжатлар ва аудиторлик текшируви раҳбарларининг талаби бўйича унда иштирок этувчи аудиторлар рўйхатидап ташкил топинш керак. Ушбу стандартга кўра мажбурийлигига қараб аудитнинг иш ҳужжатларига доир ҳужжатлар мажбурий ва опцион турларга булинади. Мажбурий ҳужжатларга қуйидагилар киради: кредит ташкилотини аудит ўтказиш режаси; кредит ташкилотини аудит ўтказиш дастури; ички банк рискени баҳоловчи тўлдирилган жадвал; назорат рискени баҳоловчи тўлдирилган жадвал; кредит ташкилоти бухгалтерия балансида оғишишлар мавжудлиги даражасини баҳоловчи тўлдирилган жадвал; "Бажарилган аудиторлик ишлари" шаклидаги жадвал натижаларидан олинган текширишининг ҳажми ва параметрлари, текшириш усулларини таърифлаш; иқтисодий меъёрлар ва уларни тўғрилаш бўйича тўлдирилган жадвал; кредит ташкилотининг кредит

сиёсати тўғрисидаги маълумотлар; кредит ташкилоти томонидан қимматли қоғозлар бўйича муомалалар амалга оширилганда, бошқарув рисклари маълумотлари, қимматли қоғозларнинг нархини йўқотилиши бўйича ташкил этилган резервлар ҳақида маълумотлар.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари тартибли бўлиши ва ундаги маълумотлар осон ўқиладиган ҳамда бир хил бўлиши лозим.

Аудиторлик иш ҳужжатларидаги маълумотлар махфий ҳисобланиб, аудиторлик фирмаси томонидан тарқатилмаслиги керак. Аудиторлик фирмаси кредит ташкилотининг иш ҳужжатларини тақдим этиши шарт эмас. Аммо Марказий банк томонидан 12 октябр 2002 йилда чиқарилган қарор бўйича белгиланган талаблар бўйича аудиторлик ҳисоботида ёритилиши лозим бўлган саволлар билан биргаликда аудитор томонидан банкга банк ҳисоботини тасдиқлаши ва баҳолаши, пул оқими таҳлили, соф фойда ва капитални аниқлаш, банк активлари ва пасивларини бошқариш ҳолати ва шунингдек ҳамма ишчи ҳужжатлари нусхаларини тақдим қилиши лозим¹. Қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган тақдирда, аудиторлик фирмаси ўзининг иш ҳужжатларини бошқа шахсларга кўрсатишга ҳақи йўқ ва бунга мажбур эмас (шунингдек солиқ органлари ва бошқа назорат қилувчи ташкилотларга ҳам).

Аудиторлик хулосасини тузиш учун аудиторлик ҳисоботлари муҳим асос ҳисобланади. Аудиторлик текширувининг асосий қисми аудиторлик маълумотларининг турларини, усулларини ва манбаларини аниқлаш ҳисобланади. Аудиторлик фирмалари қандай усуллардан фойдаланиши на уларни тасдиқлаш учун асослари аудиторлик хулосасининг ишончилигини тан олишга аниқлик киритади.

Бухгалтерия ҳисоботининг ишончилиги тўғрисида асосли фикр ҳосил қилиш учун аудитор етарлича аудиторлик далилларини олиши лозим. Булар:

а) бухгалтерия ҳисобида муомала ва қолдиқларнинг тўғри акс эттирилишини синчиклаб текшириш;

¹Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича Марказий банк талаблари (N 517) (Марказий банк бошқарувининг 12.10.2002 й. N 23/12 сонли қарори билан тасдиқланган)

- б) аналитик ишлар;
- в) ички назоратни текшириш.

Банк аудитори аудиторлик дастурида аудиторлик далилларини тўплаш учун қанақа аудиторлик амалиётига эга ва уларнинг ҳажмига эътиборини қаратиши лозим. Аудиторлик текшируви учун маълумотларнинг қатъий ҳажми белгиланмаган. Аудитор ўзининг касбий қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг бухгалтерия ҳисоботи ҳақида хулоса бериши учун маълумотларнинг ҳажмини мустақил равишда белгилайди. Аудиторлик далилларини олиш усулларини аниқлашда молиявий маълумотлар огишиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Аудиторлик далиллари ички, ташқи ва аралаш бўлиши мумкии. Ички аудиторлик далиллари иқтисодий субъектдан оғзаки ёки ёзма шаклда олинishi мумкин.

Ташқи аудиторлик далиллари учинчи шахслар томондан ёзма шаклда олинади(одатда аудиторнинг ёзма сўровига кўра). Аралаш аудиторлик далилига ёзма ёки оғзаки тарзда иқтисодий субъектдан олинган маълумотлар ҳамда ёзма тасдиқланган шаклда учинчи шахслардан олинган маълумотлар киради. Аудиторлик фирмаси учун ташқи аудиторлик далили энг аҳамиятли ва ишончли ҳисобланади. Кейинги ўринларда эса аралаш ва ички аудиторлик далиллари туради. Аудиторлик далиллари ишончли ва етарли булиши лозим. Уларнинг етарлилиги ҳолатига қараб, ички назорат тизими баҳосига ва риск даражасига қараб белгиланади. Аудитор объектив ва асосли хулоса тузиши учун етарли даражада сифатли далиллар тўплаши керак. Аудиторлик фирмасининг ўзи тўплаган далиллари, одатда, иқтисодий субъект тақдим этган маълумотлар дан ишончлироқ ҳисобланади. Шунинг билан бирга ёзма шаклдаги ҳужжатлар оғзаки олинган далиллардаи ишончлироқ ҳисоблакади. Аудитор томонидан тўпланган далиллар бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича қайдномаларда, бланкаларда, жадвал ва баённомаларда акс эттирилиши лозим. Олинган далил маълумотлари аудиторлик хулосасини тузишда ва текшириляётган банк раҳбариятига аудит натижалари бўйича ҳисобот беришда фойдаланилади.

Аудиторлик ҳисоботи маълумотларини олиш манбалари куйидагилардан иборат: банк ва учинчи шахсларнинг бирламчи ҳужжатлари; банкнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари; банкнинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили натижалари; банк ва учинчи шахсларнинг оғзаки маълумотлари; банк маълумотларини бир-бири билан ва учинчи шахс маълумотлари билан таққослаш; банк мулкнинг инвентаризацияси натижалари; йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар. Аудиторлик ҳисоботининг сифати у олинган манбага боғлиқ. Аудиторлар учун тўғридан-тўғри ўзлари текширган хўжалик муомалалари натижалари энг кимматли ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг етарлилигини аниқлаш аудиторлик rischi даражасига, мустакил манбалардан гувоҳларнинг мавжудлигига борлиқ. Агар аудитор турли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланса, у ҳолда аудиторлик rischi даражаси камаяди ва аксинча аудиторларга иқтисодий субъект томонидан тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса ва у бирор ҳисоб ёки муомала бўйича етарли маълумотларни йиға олмаса, аудиторлик фирмаси бу ҳолатни ҳисоботда (раҳбариятга) акс эттириши ва бу масалага аудиторлик ҳулосасини беришда эътибор бериши лозим. Агар учинчи шахслардан олинган маълумотлар банкнинг ҳисоб маълумотлари билан бир хил бўлмаса, аудитор бу фарқнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўшимча чоралар кўриши лозим. Бунда банк ходимлари, банк раҳбарларини ва учинчи шахслар орзаки сўровдан ўтказилади. Банк ходимлари ва раҳбарларини ҳамда учинчи шахсларни орзаки сўровдан ўтказиш аудиторлик текширувининг ҳамма босқичида амалга оширилиши мумкин. Оғзаки сўров натижалари баённома ёки қисқа тушунтириш тарзида ёзиб борилиши, унда сўровни амалга ошираётган аудитор ва сўровдан ўтаётган шахснинг исми-фамилияси кўрсатилиши шарт.

Айрим сўровларни ўтказиш учун аудиторлик фирмаси сўровлардан ташкил топган варақалар тайёрлаши мумкин. Бу варақаларда сўровдан ўтаётган шахснинг берган жавоби қайд этилади. Оғзаки сўров

натижаларининг ёзма шакли аудиторлик текширувининг бошқа хужжатларига илова қилиниши лозим.

Аудит хизмати, ҳозирги кунда юксалаш пағонасида турибди. Унда банк фаолиятини юргизишни тўғри ташкил қилиш ва иш даврида учрайдиган камчиликларни бартараф этишда аудит хизматини роли каттадир.

Банкларни кредит фаолиятини текшириш амалда шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда банкнинг ички инструктив материаллари ва низомлари ишлаб чиқилмаган. Буларга кредит бўлимининг низоми ва мансабдор шахсларни меъёрий хужжатлари, бурчларини тақсмоти ва кредит бериш тўғрисида кўрсатма, кредит қўмитасини қарори кабилар текширилишидир. Буларни борлиги банкларда кредит иши юритувчисини рационал ташкил қилишга ёрдам беради ва ходимларни ўз вазифаларига бўлган масъулиятини оширади. Кредит бериш учун шартномага хулоса ясашга ва ишлаб чиқиш жараёнида банклар томонидан ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий характердаги хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда банкдан қабул қилинаётган хужжатлар тўлиқ эмаслиги ёки тўла расмийлаштирилмагани аниқланмоқда.

III боб бўйича хулоса

Мавжуд қонунчилик ва меъёрий база асосида аудиторлик фаолияти мунтазам ривожланиб бормоқда ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитнинг кўп масалалари ҳам такомиллашиб бормоқда. Лекин мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши билан бирга молия ва бошқарув соҳасида жаҳон амалиётига яқинлашиш жараёнини тезлаштириш лозим. Чет эллик ҳамкорларимиз фойда олиш мақсадида ўз маблағларини инвестиция қилишлари ва активларини сифатли бошқаришни кафолатлаш имкониятига эга бўлишлари учун мамлакатимиз микро ва макроиқтисодиёти ҳолатини билишлари лозим бўлади.

Аудиторлик хулосасини тузиш учун аудиторлик ҳисоботлари муҳим асос ҳисобланади. Аудиторлик текширувининг асосий қисми аудиторлик маълумотларининг турларини, усулларини ва манбаларини аниқлаш ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўрганилган назарий манбалар ва амалий маълумотлар таҳлилларидан келиб чиқиб қуйидаги умумий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аудитини республикада банк тизимидаги ўрни, аҳамиятини ўрганган ҳолда, банк аудитининг зарурлиги ва республикада унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши, тижорат банклари кўрсаткичларини аудит қилиш усуллари ва назорат турлари, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишни ташкил қилиш асослари батафсил ўрганиб чиқилди.

2. Тижорат банкларида самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили масаласида ҳозирги кунда банкларда олиб борилаётган тижорат банкларида нақд пул муомаласи ва касса операцияларининг аудити, кредит операциялар, қимматли қоғозлар аудити, ҳамда чет эл валютасидаги операциялари аудитини ўтказиш тартиби кўриб чиқилди.

3. Республикада банк самарадорлик кўрсаткичлари аудитини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича тижорат банкларини “СAMEL” тизими бўйича баҳолаш масалалари ёритиб берилди.

Банк операцияларининг асосий қисмини кредит (60-70%) операциялари ташкил қилади. Шунинг учун аудит қилишда бу операцияларга катта эътибор берилади. Республикада ҳозирги кунда кредит операцияларининг муаммолари мавжуд.

Банкларни кредит фаолиятини текшириш амалда шуни кўрсатадики, кўп банкнинг ички инструктив материаллари ва низомлари ишлаб чиқилмаган. Буларга кредит бўлимининг низоми ва мансабдор шахсларни меъёрий ҳужжатлари, бурчларини тақсимооти ва кредит бериш тўғрисида кўрсатма, кредит қўмитасини қарори кабилар текширилишидир. Буларни борлиги банкларда кредит иши юритувчисини рационал ташкил қилишга ёрдам беради ва ходимларни ўз вазифаларига бўлган масъулиятини оширади. Тижорат банкларида кредит бериш учун шартномани расмийлаштириш жараёнида банклар томонидан ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий характердаги

хатоларга йўл қўйилмоқда. Айрим ҳолларда банкдан қабул қилинаётган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ёки тўла расмийлаштирилмагани аниқланмоқда.

Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ўз мажбуриятлари устидан чиқа олмай банкротлик даражасига ҳам боришмоқда. Бу эса, банкнинг кредитларни қайтмаслик хатарини юқори даражадалигини кўрсатади. Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида кўпгина асослар яратилмоқда.

Келтирилган нисбий мисол ва асосан республика банклари амалиёти таҳлилларига асосланган ҳолда, Ўзбекистонда банк назоратини амалга оширишда “СAMEL” тизимидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тавсияларни таклиф этиш мумкин:

Биринчидан, Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг “СAMEL” тизимига асосланган Ўзбекистон банклари рейтинг тизимини самарадорлигини ошириш;

Иккинчидан, Марказий банкдан ташқари банк билан боғлиқ бўлган иқтисодий агентлар ҳамда бошқаларнинг, жумладан, жамоатчилик, касаба уюшмалари, илмий тадқиқотчиларнинг ушбу тизим услубига асосланиб, мустақил равишда баҳолашларни ўтказишлари учун матбуотда эълон қилинадиган банк ҳисоботларидаги маълумотларни кўпайтириш;

Банк фаолиятини тартибга солувчи Фармон, қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги банкларнинг ҳам, аудиторларнинг ҳам ишини қийинлаштирмоқда, шу сабабли, ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишдаги банклар ваколатларини янада кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Банклар тизимини янада эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда бошқа чет мамлакатлар сингари янги хизмат тури, яъни аудит хизмати кундан-кунга ўз ўрнини топиб бормоқда.

Олинган хулоса ва таклифлар асосида қуйидаги тавсифлар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банклари эмиссия касса операциялари меъёрий хужжатларини тартибга солишни янада кучайтириш мақсадга мувофик бўлади;

2. “CAMEL” тизимига асосланган тижорат банкларининг рейтинг тизимидаги иштироки ва самарадорлигини ошириш;

3. Тижорат банки актив операцияларида аудитида кредитини атрофлича таҳлил қилиш ва унда кредит қайтмаслигини камайтириш йўллари ишлаб чиқиш;

4. Тижорат банкларида аудит ўтказувчи ташкилотларнинг штат бирлигини кўпайтириш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизмати сифатини янада яхшилашга эътибор бериш зарур.

5. Банк аудити фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда муаммолардан бири бу банк аудити фаолияти бозорининг асосий иштирокчиси деб, чет эл аудиторлик фирмалари танланган ва маҳаллий аудиторлик фирмалари улар билан рақобатланиши қийин бўлади. Шунингдек, банк аудити фаолиятининг ривожланишига аудит қилиш ишларининг мавсумийлиги ҳам ўз таъсирини ўтказди, яъни аудит фақат йиллик ҳисоботлар асосида ўтказилади ва шу даврдагина аудиторларга талаб кучаяди.

6. Аудиторлик фаолиятини баҳоловчи мезонлар ишлаб чиқилмаган, уларни баҳолаш асосан инспекцион текширувлари билан солиштириш асосида ўтказилмоқда. Шунга кўра, аудиторлик ташкилотлар фаолияти ҳам банклар каби рейтинг асосида баҳоланиб, матуботда эълон қилиниши лозим.

Тижорат банкларини самарадорлик кўрсаткичлари аудитини такомиллаштириш банклар даромадлигини ошириш орқали улар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари мустахкамлаш имконини яратади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, янги таҳрирда 2000 йил 26 май.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрел.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Қарори, 2007 йил 4 апрель.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори 2008 йил 2 июл.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» Қарори, 2000 йил 22 сентябрь.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, 2000 йил 24 март.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1317–сонли Қарори

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори, 2015 йил 6 май.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2696-сонли Қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2709–сонли Қарори.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 15 январь.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 24 март.

1.16. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисида”ги №2217-сонли Низом. 2011 йил 14 апрел.

1.17. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”// Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал.

1.18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009–56 б.

1.19. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” – Т.: “Ўзбекистон”, 2010–28 б.

1.20. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2013 й. январ.

1.21. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2015 йил 21 январ.

1.22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2016 йил январ

II Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Азизов Ш. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикасини яратиш масалалари. Т. :«Бозор, пул ва кредит», 2008. № 12.

2.2. Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 1.

- 2.3. Каримов Н. Тижорат банклари ички аудити фаолиятида муҳимлик кўрсаткичи. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 6.
- 2.4. Қурбонбоев Ж., Рузиев Н. Тижорт банкларида аудитни ривожлантириш. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2007. № 6.
- 2.5. Қодиров А. Ўзбекистон банк тизими: юксалиш одимлари // Бозор, пул ва кредит. – 2005. - №9. 7–16 б.
- 2.6. Жумагалдиев М. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини янада ислоҳ қилиш. Т.: «Бозор, пул ва кредит», 2006 й. № 5.
- 2.7. Шодиев.Ш Банк кредитлари салоҳиятли мижозга Т.: «Бозор, пул ва кредит», 2005 йил,8-сон,24-26 б.
- 2.8. Хошимов Э. Банк капитали ва ликвидлигини тартибга солиш: янгича ёндашувлар. // Бозор, пул ва кредит. – 2011. - №4. 43–45 б.
- 2.9. М.Тўлаганова, Ф.Мусаева. Тижорат банклари кредит фаолиятининг таҳлили. // Бозор, пул ва кредит, №3,2005.- 15-18б.
- 2.10. С.Абдуллаев. Принцип реструктуризации проблемных кредитов. // Бозор, пул ва кредит, №10. 2006.- 15-17б.
- 2.11. М.Мухитдинова. Кредитная политика: стратегия привлечения клиентов. // Бозор, пул ва кредит, №6, 2003. - 19-20б.
- 2.12. Васиев А. Жаҳон инқирози шароитида банк капитали барқарорлигини таъминлаш.// Биржа эксперт.№1. 2010.-29 б.
- 2.13. Симановский А.Ю. Базельские принципы эффективного банковского надзора, издание второе. //Деньги и Кредит, 2007. №1 20-30б., №2 11-22б., №3 18-25б.
- 2.14. АТБ“Асака банк” нинг ҳисоботлари.
- 2.15. “Ahbor Reytng” рейтинг компаниясининг № 30, № 34 таҳлилий шарҳи

III. Махсус адабиётлар

3.1. Андросов А. М. «Финансовая отчетность банка: практическое руководство по организации бухгалтерского учета и отчетности». - М. : Менатеп. - Информ, 1995. - 459 с.

3.2. Аудит банков. Под ред. Белоглазовой Г.Н., Кроливецкой Л.П., Лебедева Е.А., Учеб. пособие / - М. : Финансы-и статистика/, 2001. -352 с.

3.3. Белоцерковский В.И., Федорова Е.А., Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. М-ЗАО “Издательство Экономика” 2005-294с.

3.4. Бычкова С.М. Международные стандарты аудита. Учебное пособие.М.: Проспект, - 2008, 432.

3.5. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.

3.6. Гермасимова Е.Б., Мельник М.В. “Основы банковского аудита” Ўқув қўлланма/ Москва – 2008. 221 б.

3.7. Дустмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти -2003 й.

3.8. Ефремова Л.С., Купрюшина Т.А., Тамур И. И., Богданкевич О.А., Савчук Т.К. «Банковский аудит» /Ўқув қўлланма/ Минск-2007. 389 б.

3.9. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. – 2010, 272б.

3.10. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, -348б.

3.11. Международные стандарты аудита в Казахстане. В 2 том – Алматы: Раритет-2001. 372.

3.12. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. /Жарилгасова Б.Т. М: КНОРУС, - 2008, 400.

3.13. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.

3.14. Мусаев Ҳ.М. “Аудит” Дарслик. – Т. : 2003,

3.15. Норкобилов С, Ортиқов У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

3.16. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.

3.17. Смирнова Л. Р. Банковский аудит : Учебное пособие для вузов/ Л.Р.Смирнова; Ред. М.И.Баканов. -М: Финансы и статистика, 2001. -448 с.

3.18. Тулаходжаева М.М, Илҳомов Ш. И. “Аидит”. Тошкент – “NORMA”-2008й.

3.19. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.ИНФРА-М, 2006.- 448с.

3.20. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

3.21. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2009 й. – 548 бет.

3.22. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003.–305 б.

3.23. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

3.24. Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.

3.25. Наврузова К.Н., Каримов Н.Ф., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012.

3.26. VII. Интернет сайтлари

– <http://www.lex.uz>- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

– <http://www.cbu.uz>- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб сайти.

– <http://www.uzreport.com>-Ўзбекистон бизнес янгиликлари

– <http://www.finance.uz>- Молиявий-иқтисодий таҳлил портали.

- <http://www.cbu.ru>- Россия Федерацияси Марказий банки сайти.
- <http://www.mf.uz>-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб сайти.
- <http://www.stat.uz>-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика

қўмитаси сайти

- <http://www.ahbor.uz> -Ахбор-Рейтинг рейтинг агентли.